

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш  
факультети декани**

**\_\_\_\_\_ И.Джураев  
“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил**

**“КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: доц. Ш.Зулфиқоров

Тошкент – 2015

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	18
1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари.....	18
2-мавзу. Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари.....	24
3-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.....	31
4-мавзу. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-хукуқий тартиботи. ....	37
5-мавзу. Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари. .....	42
6-мавзу Маъмурий хуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари. ....	55
7-мавзу Маъмурий-хукуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.....	63
8-мавзу Давлат бошқарувининг маъмурий-хукуқий шакллари ва усуллари ..	76
ТАКДИМОТ .....	90

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ Кириш Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти”**

**модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

### **“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти”**

**модулининг вазифалари:**

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқнинг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;
- турли конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ институтларни танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш;
- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид қонунларни амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

### **“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти”**

модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқнинг хусусиятларини тўғри англаш, жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнларни конституцион ва маъмурий қонунчилик билан боғлай олиш, қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини **билиши** керак;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши** зарур;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши** лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти” фани каби бир қатор ҳуқуқий “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Сайлов ҳуқуқи” йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар конституциявий ва маъмурий хуқуқ муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан	
			Жами	Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	Мустакил таълим
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари		4	2	2		
2.	Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуqlари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари.		4	2	2		
3.	Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.		2	1	1		
4.	Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-хуқуқий тартиботи.		2	1	1	4	2
5.	Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари.		3	1	2		
6.	Маъмурий хуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари.		3	1	2		
7.	Маъмурий-хуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.		3	1	2		
8.	Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари ва усуллари.		3	1	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари**

Режа:

1. Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат.
2. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти.
3. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.
4. Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалалари хамда миллий қадриятларнинг акс этиши
5. Конституцияга ўзгартериш хамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби.

**2-мавзу. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари.**

Режа:

1. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
2. Инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. Халқаро ҳуқуқ ва шахс.
4. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив.
5. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи.
6. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.
7. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги.

**3-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

Режа:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси
2. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.
3. Оммавий ҳаракатлар, уларнинг вазифаси.
4. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Таъқиқлаш учун асослар.
5. Давлат ва жамоат бирлашмалари муносабати.
6. Касаба уюшмаларининг вазифаси.
7. Диний ташкилотлар ва давлат муносабати.

**4-мавзу. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-ҳуқуқий тартиботи.**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқий мақоми

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
3. Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи
4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

**5-мавзу. Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари.**

Режа:

1. Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси.
2. Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрни.
3. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.
4. Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.
5. Давлат бошқарувининг асосий принциплари

**6-мавзу Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари.**

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
2. Маъмурий ҳуқуқ предмети.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули.
4. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
5. Маъмурий ҳуқуқ тизими.
6. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

**7-мавзу Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.**

Режа

1. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмuni ва таркиби.
2. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи.
3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати.
4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
5. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари.

**8-мавзу Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари ва усуллари.**

1. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Давлат бошқаруви актлари.
3. Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар.
4. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий усуллари мазмuni ва турлари.
5. Ишонтириш – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида. Давлат мажбурлови – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари**

Режа:

1. Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат.
2. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти.
3. Конституция лойиҳасининг умумхалқ мухокамаси.
4. Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этиши
5. Конституцияга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби.

**2-мавзу. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари.**

Режа:

1. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
2. Инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий хужжатлар.
3. Халқаро ҳуқуқ ва шахс.
4. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив.
5. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи.
6. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.
7. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги.

**3-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

Режа:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси
2. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.
3. Оммавий ҳаракатлар, уларнинг вазифаси.
4. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар.
5. Давлат ва жамоат бирлашмалари муносабати.
6. Касаба уюшмаларининг вазифаси.
7. Диний ташкилотлар ва давлат муносабати.

**4-мавзу. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-ҳуқуқий тартиботи.**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқий мақоми

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи
4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

**5-мавзу. Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари.**

Режа:

1. Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси.
2. Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрни.
3. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.
4. Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.
5. Давлат бошқарувининг асосий принциплари

**6-мавзу Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари.**

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
2. Маъмурий ҳуқуқ предмети.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули.
4. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
5. Маъмурий ҳуқуқ тизими.
6. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

**7-мавзу Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.**

Режа

1. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмuni ва таркиби.
2. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи.
3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати.
4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
5. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари.

**8-мавзу Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари ва усуллари.**

1. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Давлат бошқаруви актлари.
3. Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар.
4. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий усуллари мазмuni ва турлари.
5. Ишонтириш – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида. Давлат мажбурлови – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида.

## **Кўчма машғулот мазмуни**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қиласди.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчилари ўзлари танлаган мавзуда бититув малакавий ишини ёзиб, тегишли тартибда уни ҳимоя қиласдилар.

#### **Модул бўйича мустақил таълим топшириқлари**

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг конституциявий асослари ва тамойиллари
2. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг яратилиши ва такомиллаштириш истиқболлари
3. Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш муаммолари
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш асоси
5. Ташқи сиёсатнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари
6. Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суд судъясининг мақоми
7. Жамият ва шахс муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиш масалалари
8. Инсон ҳуқуки ва эркинликлари таъминлашнинг конституциявий асослари
9. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг роли.
10. Нодавлат ва жамоат тошкilotларнинг Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти
11. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятида минтақавий муаммолар
12. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари
13. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.
14. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари.
15. Шахс ҳуқуқий мақоми ва унинг кафолати сифатидаги давлат органларининг фаолияти
16. Диний ташкilotлар – жамоат бирлашмаси сифатида
17. Оиланинг конституциявий асослари.
18. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.
19. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш муаммолари.

20. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми.
21. Ўзбекистонда Президентининг ҳуқуқий мақоми.
22. Президентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва роли
23. Ўзбекистон Республикасида Парламент ислоҳотларининг зарурити, тажриба ва муаммолари
24. Ўзбекистон Республикаси Сенати: қонунчилик фаолияти, назорат ва минтақалар билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари
25. Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотларининг ҳуқуқий табиати
26. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакллари
27. Сенатнинг назорат соҳасидаги функциялари
28. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми.
29. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва унинг аъзоларининг ҳуқуқий мақоми.
30. Ўзбекистон Республикаси Баш вазирнинг ҳуқуқий мақоми
31. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари – давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида
32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг вазифалари.
33. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий принциплари
34. Прокуратура органларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми
35. Ўзбекистон Республикасининг молия ва пул-кредит тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.
36. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида.
37. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятлари.
38. Давлат бошқарув органларининг мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида тутган ўрни.
39. Давлат қурилишини эркинлаштириш жараёнида давлат бошқарув органлари тизимини ташкил этиш асослари ва принциплари.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий ҳолати.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.- Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
15. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.
16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 366 б.
17. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.
18. Каримов. И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. -Т.18. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2010. -264 б.

19. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқирлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.
20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимииз демократик ислоҳотларни чуқирлаштириш ва мадеринизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -320 б.
21. Каримов И.А. 2012 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳайтимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” деб номланган маъруза// “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 8 декабрь.
22. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь.
23. Каримов И.А. “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили”. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 18 апрель.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. – 384 б.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва мэрралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғи. Т. 22. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014. – 368 б.
26. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимиизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилганининг 22 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси// Инсон ва қонун газетаси, 2014 йил 10 декабрь, № 49 (941).
27. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидага маърузаси. 2015 йил 23 январь. // И.А.Каримов – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 40 б.

#### **Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” 2014. – 76 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-ИИ-сон Конституциявий

- Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
  4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-ИИ Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й
  5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тў тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда.
  6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
  7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
  8. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
  9. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-ИИ-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
  10. “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. –2005. – №1. – 12- модда.
  11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хуқуqlари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 27.08.2004 й. 669-ИИ Қонуни билан тасдиқланган
  12. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда.
  13. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига

- ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи. 2008 йил 27 декабрь
14. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 524-П-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 138-модда
- 28 “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 30.08.1995 й. 103-И-сонли Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 9-сон, 178-модда // Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 447-П-сон, 30.08.2003 й. 535-П-сонли Қонунлар билан ўзгаришишлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда
- 29 “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 й. 464-И-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 225-модда
- 30 “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 26.11.1996 й. 337-И-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 36-модда // Ўзбекистон Республикаси 20.08.1999 й. 832-И-сон, 12.12.2003 й. 568-П-сон, 30.04.2004 й. 621-П-сонли Қонунлар билан ўзгаришишлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 9-сон, 229-модда, 2004 й. 1-2-сон, 18-модда, 5-сон, 90-модда
- 31 “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 й. Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 11-12-сон, 295-модда
- 32 Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-ХII-сон Қонуни)
- 34 Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2012 йил 19 декабрь № ЎРҚ – 340.
- 35 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2013 йил 18 апрель. ЎРҚ -349.
- 36 “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.04.2004 й. 609-П-сон Қонуни билан тасдиқланган. 2013 йил 22 апрель. ЎРҚ – 351.
- 37 “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-И-сон Қонуни билан тасдиқланган. 2013 йил 22 апрель. ЎРҚ – 350.
- 38 “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига

- ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда
- 39 Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни // 2014 йил 5 май, ЎРҚ-369-сон
- 40 Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни // 2014 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-373-сон
- 41 Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни // 2014 йил 25 сентябрь, ЎРҚ-376-сон
- 42 Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни // 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон

### **Асосий адабиётлар:**

1. Қаюмов Р.К. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хукуки. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
2. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хукуки. Дарслик.Т.: Шарқ.- 532 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хукуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 -645 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хукуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Д.Ю.И.- 2005 545 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 649 - б.
6. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хукуки // Дарслик – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 564 б.
7. Енгибарян Р.В., Тадевосян Э.В. Конституционное право. М.: Юристъ, 2002.-188 с.
8. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России: Учебник. М.- 2005.-213 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси: Магистратуранинг ноюридик ихтисосликлари учун ўқув қўлланма. Жамоа (Қаюмов Р.К., Мирҳамидов М.М., Тўлаганов А., Хусанов О.Т., Хотамов У.Ж. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 239 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш: бакалавриатнинг ноюридик йўналишлари учун ўқув қўлланма. Жамоа. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 463 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хукуки фанига схемали ўқув-методик қўлланма/ Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов, Х.Азизов ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001. –128 б.
12. Конституциявий хукуқ (изоҳли лугат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т: Академия, 2001.- 160 б.
13. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар

- жамоаси - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008, 452-б.
14. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий хуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2010. 145б
15. Алимов Х.Р. Маъмурий хуқуқ. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995.— 203 б.
16. Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
17. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий хуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
18. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2003. – 318 с.
19. Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
20. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий хуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши тингловчилари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
21. Назаров К. Маъмурий хуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.
22. Хакимов Г. Маъмурий хуқуқ (махсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
23. Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий хуқуқ. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДЮИ, 2001.-98 б.
- Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 24. қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси асосида) ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 72 б.
- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини ўрганиш юзасидан ўқув-услубий мажмуа/ – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 84 б
25. И.Р.Беков. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар: Монография.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010.- 142б
26. Маликова Г. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарх/ Г.Р.Маликова, Г.С.Исмаилова: ТДЮИ. –Т.: Ўзбекистон, 2009.-216 б
27. Исмаилова Г. С., Маликова Г.Р. Комментарий к Закону Республики Узбекистан о выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов. Т..издательство Г.Гуляма. 2010г.-223 с.
28. Маликова Г. Конституционное (государственное) право Республики Узбекистан. (Учебно-методический комплекс). – Т.: ТДЮИ, 2010. - 226 бет.

30. Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.
31. Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012
32. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012

### **Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.mtdp.uz>
5. <http://www.xdp.uz>
6. <http://www.adolat.uz>
7. <http://www.parliament.uz>
8. <http://www.ziyonet.uz>
9. <http://www.lidep.uz>

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари Режа:**

1. Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат.
2. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти.
3. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.
4. Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этиши
5. Конституцияга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби.

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий хуқуқ назарияси ва амалиёти.” модулининг 3-мавзусини ёритишига мўлжалланган режадаги конституциянинг яратилишига бўлган зарурат, конституциявий комиссия ва унинг фаолияти, конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси, конституциянинг қабул қилиниши, конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этишини ўрганишdir. Шунингдек, Конституциянинг тузилиши. Конституцияга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби борасида сухбатлашамиз.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

#### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмuni ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;

- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzaga якун ясалади.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**Конституциянинг тузилиши** – конституциянинг таркибий қисмларини англатиб, уни қандай таркибий бирликлардан иборат эканлигини билдиради. Одатда, Конституциялар муқаддима, асосий қисм, хулоса, қўшимча ва иловалардан иборат бўлади.

**Муқаддима** – жамият ва давлат тараққиётининг асосий босқичлари ҳамда ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилади.

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

Конституция бу маҳобатли асар, бутун қонунчиликнинг умуртқа поғанаси. Қандай бўлиши лозимлигини олдиндан билмай туриб, унинг Конституция комиссиясининг топшириғига биноан, ишчи групхи, энг аввало бўлажак Конституциянинг концепциясини ишлаб чиқишга киришди. Учта концепция тайёрланди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси (у Фанлар академияси раёсати томонидан мухокама қилинди ва тасдиқланди). Сиёsatшунослик институти концепцияси ва Президент девонининг давлат шўъбаси тайёрлаган концепция. Ишчи комиссиясининг бир групх аъзолари бу концепцияларнинг ғояларини умумлаштириб, улардан битта асос ишлаб чиқдилар. Сўнгра Конституция комиссияси раиси томонидан тасдиқланган ана шу концепция асосида иш бошлаб юборилди.

Лойиҳанинг 158 моддадан иборат дастлабки варианти 1991 йил ноябргача тайёрлаб берилди. И.А.Каримов бу лойиҳа билан танишиб чиқиб, кам иш қилинганлиги тўғрисида гапирди ва йўлланма бериб, бўлғуси лойиҳанинг шакл-тамойилларига ойдинлик киритиб берди.

Лойиҳанинг иккинчи ишчи варианти 149-моддадан иборат бўлди. Республика Президенти яна қўлига қалам олиб, матнни яхшилаб кўриб чиқди. Шу тариқа Конституция комиссия раисининг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа лўнда ва ифодали бўлиб борди.

Учинчи қилинган вариант 137-моддани ташкил қиласи эди. Матбуотда эълон қилиниши олдидан яна бир бор диққат билан ўрганилиб, 127-моддадан иборат тартибда, мазмундор қилиб тузилди. Конституция комиссиясининг қарори билан лойиҳа 1992 йил 26- сентябрда умумхалқ мухокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг мухокамаси барча меҳнат жамоаларида, корхоналар, ўқув юртларида, идоралар ва вазирликларда, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишларида, матбуотда, телевидение ва радиода, халқ

демократик партиясининг Марказий Кенгашлари ва маҳаллий ташкилотларда, касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотларида, ижодий уюшмаларда, олимларнинг бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди.

Конституция комиссиясига келган фикрлар, таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани давом эттириш учун 1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Республика фуқаролари лойиҳага киритилган ўзгартиришлар ва аниқликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

«Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, яъни томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат?» Аввалинбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатdir. Унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи-инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосида «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқимида ҳукуқий ечимни топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳукуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳукуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳукуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади".

Конституция лойиҳалари турли давлатларда турлича тайёрланади. Конституция лойиҳаларини тайёрлашнинг қуйидаги усусларини қўрсатиш мумкин.

1. Лойиҳа махсус конституциявий комиссия томонидан тайёрланади.
2. Лойиҳалар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан тақдим этилади.
3. Лойиҳа парламент ёки ҳукумат томонидан тайёрланади. Масалан, Франциянинг собиқ Президенти Де Голь Франциянинг 1958 йилги Конституцияни тайёрлашда кенг иштирок этган.
4. Лойиҳани тайёрлашда собиқ мустамлака қилувчи мамлакатлар фаол иштирок этади. Масалан, Буюк Британия ўзининг собиқ мустамлака давлатларида уларнинг Конституцияларини тайёрлашда қатнашган.

Лойиҳа Конституциявий таъсис мажлиси томонидан тайёрланади. Бунга Италия (1947 йилги), Бразилия (1988 йилги), Россия (1993 йилги) Конституциялари мисол бўла олади.

Конституциянинг қабул қилишнинг қуйидаги усусларини қўрсатиш мумкин:

1. Таъсис (конституциявий) мажлис томонидан. Бразилия (1988), Португалия (1976), Болгария (1991), Руминия (1991) Конституциялари шу усул билан қабул қилинган.
2. Амалдаги парламент томонидан - Ўзбекистон (1992) Хитой (1992), Танзания (1977) Конституциялари мисолида.

3. Референдум йўли билан - Россия (1993), Франция (1958), Қозоғистон (1995), Куба (1976), Чили (1980) каби давлат конституциялари референдум йўли билан қабул қилинган.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда Конституциялар ҳадя этиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Ҳадя этишнинг 3 йўли мавжуд:

1. Мутлақ монархия шароитида Конституцияни ўз халқига подшо, қирол, султон, монарх ҳадя қилади. Буни Непал (1962), Саудия Арабистони (1992) Конституциялари мисолида кўришимиз мумкин.

2. Метрополия мустамлакачи давлат ўз мустамлакасига Конституция ҳадя қилади ва унинг мустақил давлатлигини тан олади. Буюк Британия 1979 йил Зимбабвега Конституция ҳадя қилган.

3. Ҳарбий ёки революцион Кенгаш Конституцияни ҳадя қилади. Масалан, Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон Конституциялари шу тарзда қабул қилинган.

Кўпчилик Конституциялар муқаддима (преамбула), асосий норматив қисм ва яқунловчи қисмдан иборат бўлади.

Муқаддима қисмида жамият ва давлат тараққиётининг асосий босқичлари ҳамда ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилади.

Асосий қисм бўлим, боб ва моддалардан ташкил топади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, олти бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат.

Яқунловчи қисм эса давлат ҳокимиятининг давомийлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Айрим Конституцияларда уларга киритилган қўшимчалар хажми жуда катта бўлади. Баъзи конституцияларда эса иловалар ҳам бўлади.

Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга Конституциянинг айрим қисмлари умуман ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Францияда республика бошқарув шакли, Германияда давлатнинг федератив тузилиши, Бразилияда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзгартирилиши мумкин эмас.

Айрим давлатларда Конституциянинг айрим боблари ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Россия Конституциясининг 1, 2 ва 9-боблари ўзгартирилиши мумкин эмас.

Кўпчилик давлатларда Конституция моддаларини ўзгартириш учун мутлақ кўп овоз олиш керак (одатда 2/3). Федератив давлатларда федерация субъектларининг кўпчилиги (Россияда 2/3 қисми, АҚШда 3/4 қисми) розилигини (ратификация қилиши) талаб этилади. Ҳиндистон, Канада, Покистонда эса федерация субъектларининг розилиги талаб қилинмайди.

Айрим ҳолларда (Скандинавия мамлакатларида) Конституцияга ўзгартиришлар киритиш учун албатта референдум чақирилиши керак. Баъзи давлатларда (Италия) ўзгартиришлар киритиш учун парламент 2 палатасининг мутлақ кўп овозини олиш керак.

Унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар оддий кўпчилик овоз билан киритилиши мумкин (Ҳиндистон). Венгрияда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби референдум йўли билан амалга оширилиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда эса Конституцияга ўзгартириш киритиши қонун ташаббусига эга бўлган барча субъектларнинг ўзларигина таклиф эта олмайдилар. Масалан, Грецияда Президент ва парламентнинг 150 депутати розилиги билан, Австрияда бошқа субъектлар билан бирга халқ ташаббуси, яъни 100 минг имзо билан, Италияда 50 минг имзо билан ўзгартиришлар таклиф қилиниши мумкин.

Одатда Конституцияни уруш ёки фавқулодда ҳолат даврида қайта кўриш мумкин эмас. Мексикада Конституция умуман ўзгартирилмайдиган ҳужжат сифатида қаралади.

Конституцияни бекор қилиши ва унинг янги матн билан ўзгартирилиши жуда кам учрайдиган ҳоллардан бўлиб ҳисобланади. Масалан, Шри-Ланка, Жанубий Африка Республикаси, Россияда Конституцияни қайта кўриш учун конституциявий мажлис зарур.

### **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- ✓ Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат.
- ✓ Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти.
- ✓ Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. Конституциянинг қабул қилиниши.
- ✓ Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этиши.
- ✓ Конституциянинг тузилиши.
- ✓ Конституцияга ўзгартириш ҳамда кўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби.

### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

#### **1-масала.**

Фуқаро Ж. 1992 йил 26 сентябрда эълон қилинган Конституция лойиҳасига ўз таклифларини билдирган ҳолда туман ҳокимлиги биносига келди. Туман ҳокими ушбу таклифларни туман газетасида чоп этди ва фуқарога эса, сиз Конституция лойиҳасида фаол иштирок этдингиз дея жавоб берди. Бироқ Ж.нинг таклифлари Конституция лойиҳасида ўз ифодасини топмади. Ушбу ҳолатдан хабар топган Ж. туман ҳокимининг устидан судга шикоят қилди.

#### **Савол:**

1. *Фуқаронинг Конституция лойиҳаси юзасидан билдирилган таклифлар туман ҳокимлигига тақдим этилганлиги тўғрими?*
2. *Ушбу ҳолатда туман ҳокимининг ҳаракатлари қонунийми?*
3. *Фуқаронинг ўз фикрлари Конституцияга киритилмаганлиги юзасидан даъво қилиши ўринилими?*
4. *Ж.нинг таклифлари газетада эълон қилиншии умумхалқ муҳокамаси ҳисобланадими?*

## **2-масала.**

Фуқаро М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартириш киритиш мақсадида ушбу норма лойиҳасини ва тақлифини ишлаб чиқсан ҳолда Олий Мажлисга киритди. Олий Мажлис ушбу тақлифни кўриб чиқиб, айрим камчиликларни тўлдириб беришни сўради. М. ушбу камчиликларни тўлдирган ҳолда қўшимча ҳужжатлар билан бирга яна тақдим қилди. Уч ойдан кейин Олий Мажлис М.ни яна чақириб лойиҳанинг айрим жиҳатларини такомиллаштириб беришни сўради. Бу каби ҳолат 2-3 марта тақорланиб, орадан 1 йил ўтди. Бироқ ушбу қонун лойиҳаси бир йилдан кейин Конституцияга киритишга етарлича асослантирилмаган деб топилиб рад этилди. Фуқаро Олий Мажлиснинг бундай хатти-ҳаракатлари юзасидан Конституциявий судга ушбу қонун лойиҳаси баҳонасида уни сарсон қилганлигини, унга моддий ва маънавий зарар етказилганлигини билдириб, уни ундириб беришни сўраб мурожаат қилди.

### **Савол:**

1. *Фуқаро Конституцияга ўзгартириши киритиши ҳуқуқига эгами?*
2. *Олий Мажлиснинг ҳаракатлари қонунийми?*
3. *Фуқаронинг Конституциявий судга қилган мурожсаати қонунийми?*  
*Бундай зарар қайси орган томонидан ҳимоя қилинади?*

### **ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 76 б.
4. Муаллифлар жимоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарх. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
5. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуки. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
6. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуки. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002. 645 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. 545 б.
9. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуки. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145 б.
10. <http://www.lex.uz>
11. <http://www.ziyonet.uz>.

## **2-мавзу. Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари.**

Режа:

1. Инсон хуқуқлари ва фуқаро хуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
2. Инсон хуқуқларига доир халқаро хуқуқий ҳужжатлар.
3. Халқаро хуқуқ ва шахс.
4. Конституциявий хуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив.
5. Хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи.
6. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий хуқуқлар.
7. Хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги.

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий хуқуқ назарияси ва амалиёти” фанининг 8-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги инсон хуқуқлари ва фуқаро хуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари; инсон хуқуқларига доир халқаро хуқуқий ҳужжатлар; халқаро хуқуқ ва шахс; конституциявий хуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив; хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи; шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий хуқуқлар; хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги; хуқуқ ва эркинлик кафолатлари ҳақида суҳбатлашамиз.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини кўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;

- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzaga якун ясалади.

### **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**Инсон ҳуқуқи** – бу табиий равища вужудга келадиган, инсон туғилганидан кейин шахс сифатида унга тегишли бўган ажralmas ҳуқук хисобланади. Одамлар эркин ва teng ҳуқуқли бўлиб туғилади.

**Фуқаролик ҳуқуқи** – эса фуқаролик факти билан боғлик бўлиб, шахснинг муайян давлатга, сиёсий ҳамжамиятга мансублигини англатади. Фуқаролик деганда, жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси тушунилади.

**Эркинлик** – хар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир.

**Мажбурият** – кўпгина давлатлар инсон ва фуқаролар мажбуриятларини фарқлайдилар, масалан, мажбурий харбий хизмат. Баъзан айrim ҳуқуқлар фанда позитив ҳуқуқлар деб хисобланади. (масалан, фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи ёки инсонларнинг қонун ва конституцияга риоя қилиш мажбуриятлари).

**Сиёсий ҳуқуқ** – ижтимоий-сиёсий ҳаётда, давлат органларини шакллантиришда, давлат хокимииятига босим ўтказишида иштирок этишни ангатади.

**Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар** – ҳар кандай шахснинг холатини бир гуруҳини тавсифлаб беради. Бу ҳолатлар инсоннинг табиий ҳуқуқи концепциялари билан боғлик. Инсоннинг бу ҳуқуқи ажralmas булиб ва айни чоғда уни чеклаб ҳам булмайди. Масалан, яшаш ҳуқуқи, шахснинг кадр киммати, турар жойининг дахлсизлиги ва б.

**Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар** - шахсга унинг жамиятда нормал ҳолатда яшashi, эркин ривожланиши ва тараққий этиши учун зарурдир. Масалан, адеквант яшаш шароитига эга бўлиш овқатланиш ҳуқуқи, турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, ижтимоий хавфсизлик ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи ва б.

**Ҳуқуқий тенглик** - бу албатта, формал тенгликдир, яъни расмий жихатдан teng ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишиликдир. Таъкидлаш жоизки, teng ҳуқуқлилик, нафақат teng ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлишни англатибгина қолмай, балки teng мажбуриятларни ҳам зиммага олишни тақозо этади.

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати** – бу умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган, давлат томонидан ўрнатилган ёки тасдиқланган, шахслар ва фуқароларга белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлашга ёрдам берадиган ҳуқуқий воситалар, юридик усувлар ва шарт-шароитлар мажмуидир.

## **МАРГУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

Аксарият хорижий давлатларда инсон ҳукуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ барча масалалар конституциявий тартибга солинган. Конституциявий ҳукуқ ва эркинликлар деганда , инсоннинг табиий ҳолатини ифода этадиган ва олий ҳимояяга эга бўлган инсон ва фуқаронинг энг муҳим ҳукуқи ва эркинликлари тушунилади.

Конституциявий ҳукуқ ва эркинликлар деганда конституциявий ҳукуқий муносабатларда асосий элемент ҳисобланиб ушбу ҳукуқий муносабатлар инсон (фуқаро) билан давлат ўртасида юзага келади. Бунга кўра, давлат ҳар бир алохида олинган инсон (фуқаро)нинг асосий ва бошқа ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш мажбуриятини олади. Айни вақтда конституция асосий ҳукуқ ва эркинликларни инсон ва фуқаро мажбуриятлари билан боғлайди. Бу асосий ҳукуқ, эркинликлар ва мажбуриятлар инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳукуқий мақомини ташкил этади.

Инсон ҳукуқи – бу табиий равишда вужудга келадиган, инсон туғилганидан кейин шахс сифатида унга тегишли бўган ажralmas ҳукуқ ҳисобланади. Одамлар эркин ва тенг ҳукуқли бўлиб туғилади. Ҳар бир давлатнинг асосий мақсади инсоннинг табиий ва ажralmas ҳукуқини таъминлаб беришдан иборат. Инсоннинг ажralmas ҳукуқига одатда эркин ва хавфсиз яшаш ҳукуқи, мулкка эгалик ҳукуқи, жисмоний ва психологик дахлсизлик ҳукуқи ва бошқалар киради. Кейинги вақтларда унга эришган маданият ютуқлардан ва тоза табиий муҳитдан фойдаланиш ҳукуқи ҳам қўшилди. Бу ҳукуқлар давлат хокимияти томонидан берилмайди ва айни вақтда давлат ўз хужжатлари билан уларни бекор қила олмайди. Демак инсон ҳукуқи асосий ҳукуқ бўлиб, у туғилганда муайян давлатнинг фуқаросими ёки йўқми, бундан қатъий назар, барчага хос ҳукуқ сифатида фойдаланилади. Шу жиҳатдан 1776 йил 4 июлда қабул қилинган АҚШ Мустақиллиги Декларациясида айтилганларни мисол қилиб келтириш мумкин. Деклорацияда таъкидланишича “барча одамлар тенг ҳолатда яратган томонидан муайян ажralmas ҳукуқ билан дунёга келади. Яшаш ҳукуқи, эркинлик ва баҳт-саодат сари интилиш ҳукуқи ана шулар жумласига киради. ...агар бирор давлат тузуми бу ҳукуқни бузса, ҳалқ уни ўзгартириши ёки бекор қилиши ва шундай янги тузум барпо қилиши керакки, у энг яхши ҳолатда ҳалқ хавфсизлиги ҳамда унинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланадиган принципларга асослансин”.

Шундай қилиб, XVIII асрда эркинликни табиий-ҳукуқий тушуниш хужжатларда мустаҳкам ифодасини топа бошлади.

Фуқаролик ҳукуқи – эса фуқаролик факти билан боғлиқ бўлиб, шахснинг муайян давлатга, сиёсий ҳамжамиятга мансублигини англатади. Фуқаролик деганда, жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳукуқий алоқаси тушунилади. Бунда жисмоний шахс ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳукуқлари ва мажбуриятлари мавжуд қонунларда ўз ифодасини топади. Бу ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар давлатнинг конституцияси ва миллий қонунчилигига белгилаб қўйилади. Улар амалдаги ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқлаштирилиши талаб этилади. Бу ҳукуқий муносабатлар инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқ бўлиб, унинг қаерда бўлиши ва яшашидан қатъи

назар бутун умри давомида сақланиб қолади. Айнан шу фуқаролар давлат ва давлат хокимиятини авлоддан авлодга мерос бўлиб қолишини таъминлайди. 1789 йилда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи баён этилган Француз Деклорациясида бу ҳар икки субъект (инсон ва фуқаро)нинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан унда шундай дейилган: “Одамлар ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиб туғилади. Ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда инсоннинг асосий (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган тарихий хужжат – инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклорациясини қабул қилди. Деклорация 30 моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин улар бир-бирига нисбатан биродарларча муносабатда бўлишлари керак” дейилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсон ҳуқуқи муаммолари дунё аҳамиятига эга эканлигини жаҳон ҳамжамияти англаб етди. Бу муаммо фақат бир давлатга тегишли бўлиб қолмай, балки ҳалқаро аҳамият касб этаётганлиги, бунинг натижасида конституциявий ҳуқуқ аста-секин ҳалқаро стандартлар даражасига кўтарилаётганлиги маълум бўлди.

1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Ҳалқаро Пакт, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Ҳалқаро Пакт каби хужжатларни қабул қилди. Бу ҳуқуқий актларда инсон ва фуқаро ҳукуки мукаммал баён этиб берилди.

Шундан сўнг инсон ҳуқуқи бўйича ҳамда 1984 йилда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмиталар ташкил этилди. Бу ҳар икки Пакт инсон ва фуқаролар ҳуқуқининг ўзига хос ҳалқаро Кодекси деб қабул қилинди. Қатнашчи давлатлар ушбу Пактларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш юзасидан зарур қонуний тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

1993 йилда қабул қилинган Россия Федерацияси Конституциясида “инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият. Инсон ва фуқаро ҳуқуқларни эътироф этиш, унга риоя этиш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олади” (2-модда) дейилган.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 2-модда 2-бандида “Республика хориждаги ўз фуқароларининг ҳимоясини ва ҳомийлигини кафолатлаши”ни таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларини мазмунан бир неча гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин. Буларга шахсий ва фуқаролик ҳуқуқи, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар, маданий ҳуқуқларни киритиш мумкин.

Инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини бундай тартиблаш юқорида баён этилган Ҳалқаро Пактларга мувофиқ келади. Кўпчилик давлатларда инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларига оид асосий принциплар конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилган.

Эркинлик – хар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир. Инсон дунёда яшар экан, еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли бўлиши, оила қуриши, хордиқ чиқариши, даволаниши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши зарур. Булар унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир.

Мажбурият – кўпгина давлатлар инсон ва фуқаролар мажбуриятларини фарқлайдилар, масалан, мажбурий харбий хизмат. Баъзан айрим ҳуқуқлар фанда позитив ҳуқуқлар деб хисобланади. (масалан, фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи ёки инсонларнинг қонун ва конституцияга риоя қилиш мажбуриятлари). Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат томонидан, шу жумладан суд тартибида ҳам таъминланади. Бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар, конституцияда ёзилган бўлсада, ахлоқий хисобланиб, суд томонидан бевосита ҳимоя қилинади.

Халқаро ҳуқуқ ва шахснинг ҳуқукий мақоми. Хозирги кунда шахснинг, маълум холларда фуқаронинг (масалан, сайлов ҳуқуқи масалалари бўйича) ҳуқукий мақоми масаласи асосан халқаро ҳуқуқ, унинг эътироф этилган тамоиллари ва меъёрлари билан белгиланади. Давлат томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бевосита қўлланиши ва мамлакат судлари томонидан унинг ички ҳуқуқи сифатида таъминланиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ қуидагиларни белгилаб беради:

1) мамлакатнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда ички конституциявий қонунчилик инсон ва фуқаронинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олиши лозим;

2) ички қонунчилик халқаро ҳужжатларида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва умуминсоний қадриятларга қарама-қарши бўлмаслиги лозим;

3) мутлоқ эркинлик ва мутлоқ ҳуқуқлар бўлмайди; улар қонун асосида ва факат конституция, халқаро ҳуқуқ нормалариға мувофиқ тарзда, аниқ белгиланган мақсадлар учун чекланиши мумкин;

4) ҳуқуқларни съистемол қилиш, яъни уларни бошқа юридик ёки жисмоний шахслар ҳуқуқларини бузиш мақсадида қўллаш қатъийян ман қилинади;

5) шахс ҳуқуқи бошқа шахслар ҳуқуқи билан чекланган;

6) ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакат шароитидан келиб чиқсан ҳолда ҳуқукий, моддий кафолатланиши лозим.

Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланишини уч босичга ажратишади.

Биринчи босичда (XVIII аср охири- XIX аср охири) шахсий, сиёсий ҳуқуқлар - фикр, виждан ва дин эркинлиги, хар бир шахснинг давлат бошарувидаги иштироки, ҳамманинг қонун олдида тенглиги, яаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик каби ҳуқуқларнинг эътироф этилиш даври ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар давлат зиммасига фуаронинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши учун фуқароларга шароит яратиб бериш мажбуриятини юклайди.

Иккинчи босичда (XIX аср охири - XX аср бошлари) меҳнат қилиш, эркин иш танлаш хуқуқи, ижтимоий таъминот, дам олиш хуқуқи, жамият маданий ҳаётида қатнашиш хуқуқи ва ҳоказолар илк маротаба давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланди (асосан социалистик мамлакатларда). Бу хуқуқлар Инсон хукуқлар Умумжаҳон декларациясида ва айниқса, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда ёрқин ифодалаб берилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда инсон хукуқлари ривожланишининг учинчи босқичи XX асрнинг иккинчи ярмида дунёда глобал муаммоларнинг юзага келиши, улар сирасидан боғлган экологик муаммоларнинг кескинлашуви ва ахборот технологияларининг ривожланиб бориши билан ифодаланади. Шу каби омиллар соғлом атроф-мухитга эга бўлиш, ахборот олиш ва тарқатиш каби хукуқларнинг давлатлар конституцияларида эътироф этилишига олиб келди.

### **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- ✓ Инсон хукуқлари ва фуқаро хукуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
- ✓ Инсон хукуқларига доир халқаро хуқуқий хужжатлар.
- ✓ Халқаро хуқуқ ва шахс.
- ✓ Конституциявий хуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив.
- ✓ Хукуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи.
- ✓ Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий хукуқлар.
- ✓ Хукуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги.
- ✓ Хукуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши.
- ✓ Хукуқ ва эркинлик кафолатлари. Шахснинг конституциявий мақоми.

### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

#### **1-масала**

Фуқаро К. фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати тугаётганлиги англаб, Чилонзор тумани ИИБнинг мазкур ҳолат бўйича ваколатли бўлган Хорижга чиқиши-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилди. Тегишли хужжатларни расмийлаштириб келган фуқаро К. паспорт олиш учун расмга тушди ва Хорижга чиқиши-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан бир ойлик муддат ичida янги паспорти тайёр бўлишини ва улар томонидан телефон қилиб бу ҳақда огоҳлантирилишини айтишди. Белгиланган муддатдан бир ҳафта ўтгандан сўнг ҳам фуқаро К.га паспортини тайёр бўлганлиги ҳақида телефон бўлмади. Шундай сўнг фуқаро Хорижга чиқиши-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими масъул ходимига мазкур ҳолат юзасидан мурожаат қилганда, ходим унга телефон қилинганлиги, аммо телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида бўлганлиги учун маълум қилинмаганини ҳамда кеч қолганлиги учун бир ҳафтадан кейин келишини айтди.

### *Саволлар:*

1. Мазкур масалада фуқаро К.нинг инсон сифатида қандай конституциявий ҳуқуқлари бузилмоқда?
2. Фуқаро К. ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қандай инсон ҳуқуқларининг қандай кафолатларидан фойдаланиши лозим?
3. Фуқаро К.нинг бузилаётган ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таснифининг қайси гурӯхига мансублигини аниқланг?

### **2-масала**

17 ёшли Б. дўстлари орасида Л.га тухмат қилиб, уни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатди. Л. судга мурожаат қилиб Б.нинг содир этган ҳаракатлари учун қонуний жавобгарликка тортишни сўради. Судда мазкур иш ҳолатлари ўрганилиб, Б.га нисбатан вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг тақдимномасига асосланиб, Ф.дан суд олдида узр сўраш мажбурияти юклатилди.

### *Саволлар:*

1. Мазкур масалада Л.нинг бузилган ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқларининг позитив турига ёки негатив турига мансублигини аниқланг?
2. Фуқаро Л. ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиши инсон ҳуқуқларига оид қайси тушунча билан ифодалаш мумкин?
3. Фуқаро Л.нинг бузилаётган ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ нормаларининг қайсилари билан ҳимоя қилиниши?

### **ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 76 б.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
5. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002. 645 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. 545 б.
8. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145 б.
9. <http://www.lex.uz>
10. <http://www.ziyonet.uz>.

### **З-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

Режа:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси
2. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.
3. Оммавий ҳаракатлар, уларнинг вазифаси.
4. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар.
5. Давлат ва жамоат бирлашмалари муносабати.
6. Касаба уюшмаларининг вазифаси.
7. Диний ташкилотлар ва давлат муносабати.

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг мақсади:**

Маърузада ““Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти”” модулининг З-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги фуқаролик жамияти тушунчаси, унинг шахс билан ўзаро алоқаси ўрганиш кузатилган. Ўз навбатида, жамоат бирлашмалари тушунчаси, тизими, турлари, вазифаси, тузилиши ва фаолияти таъқиқланган жамоат бирлашмалари, жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларининг вазифаси, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларни ўрганиш кўзда тутилган. Шунингдек, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари борасида суҳбатлашамиз.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшлиши кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

#### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада қўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;

- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият түгилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzага якун ясалади.

### **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**Жамоат бирлашмалари** – фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуклар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш касбкор ва ҳаваскорлик қизиқишлигини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, ҳайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларни муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

**Касаба уюшмалари** – кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидағи фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий хуқукларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

**Сиёсий партия** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

**Диний ташкилотлар** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-руссумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўкув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

### **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига асосан касаба уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий харакатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамоат бирлашмаларига ўз уставларида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларни бажариш имконини кафолатлади. Бу кафолат фуқароларнинг ихтиёрий уюшишга бўлган хукуқларини рўёбга чиқариш учун хукуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг хукуқий асоси яратилган. Конституциянинг XIII боби ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиш (32-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш (34-модда) хукуқи кафолатланган

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида жамоат бирлашмаси тушунчаси, мақсади, шакллари, фаолият доираси ва хукуқлари, мақоми ва рўйхатга олиниши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Ўз хукуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари тизимиға қуидагилар киради:

- 1) сиёсий партиялар;
- 2) оммавий ҳаракатлар;
- 3) касаба уюшмалари;
- 4) хотин-қизлар жамиятлари;
- 5) ёшлар ва болалар ташкилотлари;
- 6) фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари;
- 7) илмий-техникавий;
- 8) маданий-маърифий;
- 9) физкультура-спорт;
- 10) кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалари;
- 11) юртдошлар уюшмалари;
- 12) жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари, жамоат бирлашмалари.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг маълум қисмини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг маълум бир соҳадаги манфаатларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Масалан, Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий хукуқ ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиласдилар.

Сиёсий партиялар эса турли табақа ва гурухларнинг сиёсий ифодасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Бошқа жамоат бирлашмалари ҳам ўз низомларида белгиланган вазифаларни бажарадилар.

Жамоат бирлашмаси бирлашма сифатида тан олиниши учун албатта Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунида белгиланган.

Жамоат бирлашмаси камидаги ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чакирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий хужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро, жамоат ташкилотларининг республика, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Қорақалпоғистон Республикасида жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, нохия, шаҳар, поселка, қишлоқ худудида ёки икки ва ундан ортиқ нохия, шаҳар, поселка, қишлоқ худудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шаҳар хокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатта олинади.

Жамоат бирламаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичida мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар хар биринг фамилияси, исми, отасининг исми, тўғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонунинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- 1) халқаро жамоат бирлашмалари;
- 2) республика жамоат бирлашмалари;.
- 3) маҳаллий жамоат бирлашмалари;
- 4) вилоят;
- 5) Тошкент шаҳар;
- 6) туман;
- 7) шаҳарча, қишлоқ;
- 8) вилоятлараро ва туманлараро жамоат бирлашмалари.

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти, низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида ва битта ёки ундан ортиқ хорижий давлатлар худудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ фаолияти бутун Республика худудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари Республика жамоат бирлашмаларига киради. Бунда сиёсий партияниң камидаги 20 минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, шаҳар, туман, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради.

## **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- ✓ Жамоат бирлашмалари тушунчаси, тизими, турлари, вазифаси.
- ✓ Тузилиши ва фаолияти таъқиқланган жамоат бирлашмалари.
- ✓ Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.
- ✓ Касаба уюшмаларининг вазифаси.
- ✓ Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
- ✓ Диний ташкилотлар ва бирлашмалар.
- ✓ Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

### **1-масала**

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани “Қамчинон” МФЙ ҳудудидаги масжид ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. МФЙ фаоллари маҳаллада яшовчи жами 87 кишининг имзоси билан вилоят прокуратурасига ушбу масжидни фойдаланишга рухсат бериш учун мурожаат қилди. Бироқ прокуратура ушбу мурожаатни қўриб чиқишини рад этди.

**Савол:**

1. Ушбу ҳолатда ҳуқуқ тартибот идораларининг масжидни тугатиш тўғрисидаги қарори қонунийми?
2. Фуқароларнинг мурожсаати тўғрими?
3. Фуқаролар мурожсаатининг зарур таркибий белгиларидан қайси бири етарли эмас?
4. Бундай масалалар қайси орган томонидан қўриб чиқиласди?

### **2-масала.**

Фарғона тумани ҳокими белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган туман “Ёш рассомлар” клубини тарқатиб юборди ва унинг фаолияти бевосита Конституцияда кўрсатилмагани таъкидлаб, унинг фаолиятини тақиқлаб қўйиши тўғрисида қарор чиқарди. Ўз навбатида, клубнинг бир гурӯҳ етакчи аъзолари вилоят ҳокимлигига туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш ва клуб фаолиятини қайта ташкил этишга рухсат беришини сўраб мурожаат қилди.

**Савол:**

1. Ушбу вазиятда туман ҳокимининг қарорига ҳуқуқий баҳо беринг?
2. Клубнинг фаолияти ҳақиқатдан ҳам конституцияга зидми?
3. Ёшларнинг ушбу клуб фаолиятини қайта ташкил этиши тўғрисидаги талаби ўринлими?
4. Вилоят ҳокимлиги ушбу клуб фаолиятини қатадан ташкил этишига рухсат беришига ҳақлами?

## **ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 76 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни. 15.02.1991 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 02.07.1992 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни. 26.12.1996 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. 01.05.1998 й.
8. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002 -645 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005 545 б.
11. Ш.Асадов. Ўзбекистон Республикаси конституциявий хуқуки. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145б
12. <http://www.lex.uz>.
13. <http://www.ziyonet.uz>.

#### **4-мавзу. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-хуқуқий тартиботи.**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқий мақоми
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
3. Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи
4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

#### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

##### **Маърузанинг мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти” фанининг 4-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва вазифаси, унинг таркибий тузилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини ташкил этиш масалалари, палаталарнинг ҳуқуқий мақоми ва ички тузилиши, палаталарнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари, қонунчилик жараёни кабилар ўрганилади.

##### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшлиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

#### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида ушбу мавзуга оид тушунча ва атамалар, назарий қарашлар тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**Олий Мажлис** – вакиллик органи сифатида қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. У мамлакатда ягона қонунчилик органи. Олий Мажлис қонунчилик органи сифатида қонунларни қабул қиласы, уларга ўзгартириш киритади ва зарур ҳолларда амалдаги қонунларни бекор қиласы. Қонун қабул қилиш билан улар мамлакат ижтимоий ҳаётининг хуқукий асосларини белгилайди.

**Қонунчилик палатаси** – Олий Мажлиснинг қуи палатаси бўлиб, қонунлар қабул қилиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Қонунчилик палатаси 150 депутатдан иборат таркибда иш олиб боради

**Сенат** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миёдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

**Депутат**- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

**Сенатор** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади.

**Парламент сўрови** - Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

Конституциянинг бешинчи бўлимидаги XXII боб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” – деб номланиб, унинг моддалари Олий Мажлис фаолиятини тартибга солади.

Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикаси Парламенти бўлиб, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. Шу билан бирга у олий давлат вакиллик органидир.

Конституциянинг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” – дейилган.

Энг аввало Олий Мажлис давлат органи. Уни давлат вакиллик органи деб юритилишининг сабаби, у халқ вакилларидан иборат.

Олий Мажлис икки палатадан, Қонунчилик палатаси – қуи палата, Сенат - юқори палатадан иборат.

Олий Мажлиснинг палаталарини ташкил бўлиши, уларнинг аъзоларини таркибини кўрадиган бўлсак улар аҳолининг кенг қатламларини вакили эканлигига гувоҳ бўламиз. Олий Мажлис палаталарининг депутат ва сенаторлари орасида эркаклар ва аёллар, турли ёшдаги кишилар, турли касб эгалари, олимлар, турли партия вакиллари борлигини кўрамиз. Улар ҳалқнинг ишонч билдирган ва ҳалқдан ваколат олган кишилардир. Улар Олий Мажлис палаталарида ҳалқ номидан иш кўради. Шунинг учун Олий Мажлисни давлатнинг вакиллик органи деб қонунда белгилаб қўйилган.

Олий Мажлис – вакиллик органи сифатида қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. У мамлакатда ягона қонунчилик органи. Олий Мажлис қонунчилик органи сифатида қонунларни қабул қиласи, уларга ўзгартириш киритади ва зарур ҳолларда амалдаги қонунларни бекор қиласи. Қонун қабул қилиш билан улар мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳукуқий асосларини белгилайди.

Олий Мажлисни Конституция ва қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади деб белгиланиши, унинг вазифаси фақат қонун қабул қилиш билан чекланди деган хulosани келтириб чиқармайди. Республика Олий Мажлиси ҳам бутун дунёдаги парламентларга хос бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Олий Мажлиснинг вазифаларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1) Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш.

2) Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини, ваколатларини белгилаш.

3) Давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш.

4) Мамлакат таркибига янги тузилмаларни қабул қилиш, уларни республика таркибидан чиқариш хақидаги масалалар, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш.

5) Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш, ижро ҳокимиятини (хукумат) фаолияти устидан назорат ўрнатиш.

Мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожланиб бориши ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, яъни парламент назоратини кучайтиришни тақозо этмоқда.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да бу масалага алоҳида эътибор берилган эди. Шу асосда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар эса вакиллик ҳокимиятининг ҳукумат фаолияти устидан назоратини, ҳукуматни, Бош вазирни парламент олдида масъулиятини янада кучайтиришни кўзда тутади. Бу масалалар хусусида кейинги бандларда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини аниқлаганимизда унинг қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириши, шу туфайли бошқа ҳар қандай ҳокимият органларининг фаолиятини белгилаш, бошқа органларни тузишда иштирок этиш, ижро ҳокимиятининг парламент олдида масъулиятилигига эътибор беришимиз лозим. Ана шу нарсалар Олий Мажлисни бошқа ҳокимият тузилмаларига нисбатан таъсирчан воситаларга эга ҳокимият тармоғи эканлигини кўрсатади.

### **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- ✓ Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва вазифаси.
- ✓ Олий Мажлиснинг таркибий тузилиши.
- ✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини ташкил этиш.
- ✓ Палаталарнинг ҳуқуқий мақоми ва ички тузилиши.
- ✓ Палаталарнинг биргалиқдаги ва мутлақ ваколатлари.
- ✓ Қонунчилик жараёни.
- ✓ Қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар.
- ✓ Палаталар ўртасида юзага келувчи келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби.
- ✓ Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми.
- ✓ Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округидаги фаолияти.

### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

#### **1-масала.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бир қатор депутатлар груҳи томонидан Қарор лойиҳаси киритилди. Қарор лойиҳасида Қонунчилик палатаси Регламентига ўзгартириш киритиш орқали қўйи палата қўмиталарига айрим масалалар бўйича қўйи палата номидан қарор қабул қилиш ваколати берилиши назарда тутилган. Қарор лойиҳаси ташаббускорларининг фикрига кўра, мазкур амалиёт бир қатор хорижий мамлакатлар парламентида кенг қўлланилаётган бўлиб, қўйи палата фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳизмат қиласи.

*Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси таркибий тузилмаларининг шаклланиши тартиби, ваколатлари ва фаолиятининг йўналишиларини кўрсатинг. Қуий палата қарорлари билан қўмита қарорларини қиёсий таҳлил қилинг.*

## **2- масала.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганидан сўнг Сенатга юборилди. Бироқ Сенат мажлисидаги муҳокама натижасига кўра рад этилди. Мажлиса қонуннинг рад этилиш асослари, уни қайта кўриб чиқиб, бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги хақида холосага келинди ҳамда ушбу ҳулоса Сенат мажлиси баённомасига киритилиб, баённомадан қўчирма эса Қонунчилик палатасига юборилди. Қонунчилик палатаси қонунни қайта овозга қўйиб, депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат қўпчилик овози билан маъқуллади ҳамда тўғридан-тўғри Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборди. Сенат, қонун юқори палатада маъқулланганидан сўнггина Президентга имзоланиш ва эълон қилиш учун юборилиши мумкинлигини важ қилиб, ушбу ҳолатга нисбатан ўз эътирозини билдириди.*

*Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида таҳлил қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Юқоридаги ҳолатда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳаракатлари қонинийми? Ўзбекистонда қонунчилик жараёнини батофсил таҳлил қилинг.?*

### **ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 76 б.
4. Муаллифлар жамиаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
5. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
6. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Шарқ, 532 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамиаси. Дарслик. –Т.: Молия, 2002. 645 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамиаси. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. 545 б.
9. Асадов Ш. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2010. 145 б.
10. <http://www.lex.uz>  
<http://www.ziyonet.uz>

## **5-мавзу. Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари.**

Режа:

1. Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси.
2. Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрни.
3. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.
4. Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.
5. Давлат бошқарувининг асосий принциплари

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг асосий мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий ҳукуқ назарияси ва амалиёти” фанининг 5-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси. Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрни. Давлат бошқарувининг замонавий концепциялари. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари. Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати. Давлат бошқарувининг асосий принциплари” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва тингловчиларда мазкур мавзу ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, давлат бошқарувига оид мавжуд қонунчилигимиз таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати тўғрисида кўникмага эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, давлат бошқарувига оид ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади;

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилганахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида давлат бошқарувининг замонавий концепциялари тушунтирилади;

- ✓ Давлат бошқарувига оид олимларнинг илмий қараашлари ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzага якун ясалади.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

- **Ижтимоий бошқарув** - бошқарувнинг асосий турларидан бири бўлиб, маълум бир инсонларнинг бошқаларига нисбатан ижтимоий аҳамиятли жараёнларни тартибга солиш ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ахборот ёрдамида таъсир этишидир.
- **Давлат бошқаруви** - давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этишидир.
- **“Суверен” бошқарув** – бу “мажбурловчи”, яъни маъмурий-хуқуқий мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи бошқарувдир. Бунда давлат органлари ва мансабдор шахслар – таъминлаш, огоҳлантириш, чеклаш, жазолаш ва қайта тиклаш хусусиятидаги чораларни қўллайди. Бундан ташқари, бу жараёнда фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, обьектлар томонидан мулкка эгалик қилиш хуқуки вақтинча чегаралаб қўйилиши мумкин. “Мажбурловчи” бошқарувнинг асосий принципи – қонунийлик ҳисобланади.
- **Бошқарув функциялари** – бу бошқарув субъектигининг бошқарув обьектига нисбатан аниқ йўналтирилган таъсир этиши (ташкил этиш, тартибга солиш, назорат қилиш) ҳисобланади.
- **Ижро ҳокимияти** – абстракт сиёсий-хуқуқий категория бўлиб, давлат ҳокимияти мавжудлигини кўрсатади, қонунларни ва унинг нормаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида амалга оширилади, давлат органларининг доимий функцияланишини, инсонларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди.

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

**Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси.** Бошқарув давлат пайдо бўйлассдан олдин вужудга келган бўлиб, кимнидир ёки ниманидир ёхуд қандайдир фаолиятни “йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш” маъносини англатади.

Хуқуқшунос олим Ю.Н.Стариловнинг фикрича, бошқарув – бу бошқарув субъектигининг бошқарув обьектига нисбатан мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этиш жараёни ҳисобланади. Бунда бошқарув обьекти сифатида турли хилдаги ҳодисалар ва жараёнлар, жумладан, инсон, жамоа, ижтимоий

жамоатчилик, механизмлар, технологик жараёнлар ва бошқалар намоён бўлиши мумкин. Бошқарув субъектиниг обьектга нисбатан таъсири - бошқарув тизимида бевосита боғлиқдир. Бошқарув тизими – бу бошқарув жараёнини таъминловчи механизм, яъни мақсадга мувофиқ ва келишилган ҳолда функцияланувчи ўзаро боғлиқ элементлардир. Бошқарув жараёнидаги бу элементлар орқага қайтиш принципи асосида ягона тизимга бирлашади.

Ю.М.Козловнинг фикрича, бошқарув нимага ёки кимгадир раҳбарлик қилишдир. Лекин бу бошқарувнинг тўлиқ мазмунини очиб бера олмайди. Биринчи навбатда “*раҳбарлик қилиши*” тушунчасини ўзининг мазмунини, унинг функционал аҳамиятини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Ижтимоий бошқарув – умумий бошқарувнинг бир кўриниши бўлиб, кибернетика фани орқали тадқиқ қилинади. Ҳукуқшунос олим Ю.М.Козловнинг фикрича, бошқарув – бу биринчидан, мураккаб тизимга мақсадга мувофиқ таъсир этишдир; иккинчидан, ташкил этилган турли табиатли тизим функциясидир.

*Мураккаб тизим* деганда – турли элементлар йиғиндисидан иборат бўлган тизим назарда тутилади. Бошқарув жараёни ҳам айнан мана шундай мураккаб ҳаракатчан тизимда ўз ифодасини топади. У – ўзбошимчаликни бартараф этиш, ташкилотчиликни амалга ошириш, ички ва ташқи омилларнинг таъсирига қарамасдан унинг сифат жиҳатдан аниқлигини сақлаб туриш, тизим элементларини мазкур муҳит обьектив қонуниятларига мос келишини таъминлаш мақсадида керакдир.

Бошқарув *ахборот* билан чамбарчас боғлиқдир. Тизимнинг бир нормада бўлиши учун у ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, юбориш каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Бир бутун тизим таркибий қисмларининг алоқаси ва тартибга солинганлигига *ахборот* орқали эришиш мумкин. Ахборот маълум бир сигналлар орқали юборилади. Сигналлар ўзида маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилувчи бошқарув таъсирини мужассамлаштиради.

Бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу унинг *орқага қайтиши* (*қайта алоқа*)га, яъни мақсадга мувофиқликни ҳисобга олиш механизми, буйруқ ва ҳаракатлар натижасига эга эканлигидadir. Бу бошқарув обьектиниг ҳолати ва буйруқнинг ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш учун зарурдир. Қайта алоқа сабабли тизимда ахборот каналларининг чегараланган занжири вужудга келади, ташқи муҳит ўзгаришларига қарама-қарши турувчи белгиланган бутунликка эга бўлади. Қайта алоқа орқали келадиган ахборот – бошқарувчига тизимни тартибга солиш, янги буйруқларни бериш ва эскиларини аниқлаштириш имкониятини беради.

Бошқарувнинг умумий мақсади бўлиб - *гомеостазис*, яъни тизим ва муҳит ўртасидаги ҳаракатчан тенгликни таъминлаш, таъсир этувчи омилларга қарамасдан унинг сифат жиҳатдан аниқлигини сақлаш, тизим элементлари, шунингдек, тизим ва ташқи муҳит ўртасидаги қарама-қаршиликларга барҳам бериш ҳисобланади.

Демак, юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, ижтимоий бошқарув турли хилдаги хусусиятларга эгадир. Ижтимоий бошқарув кенг маънода – ижтимоий

алоқаларни ташкил этиш тариқасида тушунилади. Бундай маънода, ижтимоий бошқарувнинг вазифа ва функциялари барча давлат органлари ва ваколатли жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, ижтимоий бошқарувнинг элементи сифатида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳам намоён бўлади. Ижтимоий бошқарувнинг объектини – бутун жамият, ундаги ижтимоий алоқалар ташкил этади.

Ижтимоий бошқарув маҳсус маънога ҳам эга бўлиши мумкин, яъни у – давлат фаолиятининг бир қўриниши ҳисобланган давлат бошқаруви сифатида намоён бўлади.

**Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.**  
“Давлат бошқаруви” атамаси миллий ва хорижий адабиётларда ҳамда амалдаги қонунчилигимизда кенг қўлланилади.

Давлат бошқаруви тушунчасини аниқлаб олишдан аввал, бошқарувнинг давлат-хуқукий хусусияти ва давлат бошқаруви назариясининг тузилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим.

Г.В.Атаманчукнинг фикрича, давлат бошқаруви объектив ва субъектив омилларга эгадир. Давлат бошқаруви - субъективdir, чунки у инсонлар (давлат хизматчилари, мансабдор шахслар) онги ва ҳаракатининг маҳсулидир. Бошқарувнинг мазмuni учун бошқарув субъектлари жавобгар бўлади. Объектив нуқтаи назардан эса, давлат бошқаруви қўйидаги қўринишга эга: *табиат – мақсад – функция – тузилиш – жараён - принциплар*.

Давлат бошқаруви - оммавий эҳтиёж ва манфаатларни англаш, уларни баҳолаш ва таркибий қисмларга ажратиш, аниқ мақсадларни қўйиш, маълум бир қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуддир. Шу сабабли, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ижтимоий механизми ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисаларнинг, яъни эҳтиёж – манфаат – мақсад – қарор – ҳаракат - натижса нинг ягона занжири сифатида намоён бўлади.

Давлат бошқаруви тушунчасига турлича ёндошиш мумкин. Кўпгина ҳолларда, давлат бошқаруви қонун чиқариш ва одилсудлов фаолияти доирасидан ташқарида бўлган давлат ва давлат-ҳокимият субъектларининг фаолияти сифатида намоён бўлади.

Давлат бошқаруви мураккаб ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

Юридик адабиётларда давлат бошқарувининг тизимлилик хусусиятига алоҳида эътибор берилади. Чунки бу фаолиятга бошқарув актларини қабул қилувчи ва амалга оширувчи бошқарувчилар (давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар), шунингдек, фуқаролар ҳамда молиявий, ташкилий ва моддий ресурслар жалб қилингандир. Давлат бошқарувининг тизимлилиги – белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни ва бошқарув функцияларини самарали амалга оширишни таъминлайди.

*Давлат бошқарувига берилган барча таърифларда унинг асосий мазмуни – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этиши кўрсатиб ўтилган.*

*Давлат бошқаруви мазмун-моҳиятини ёритиб беришда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.*

*Давлат бошқаруви қуидаги ўзига хос хусусиятларга эгадир:*

*1) давлат бошқаруви* - ижро ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда қонун чиқариш ва одилсудлов фаолиятидан шакли, услублари ва мазмунига кўра ажralиб турадиган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа норматив (қонуности) хужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир;

*2) давлат бошқаруви* - ҳуқуқни қўллаш билан бир вақтда маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги (ҳуқуқ ўрнатиш) фаолиятини амалга оширади. Давлат бошқаруви органлари ҳуқуқ ижодкорлиги шунда намоён бўладики, улар ваколат доирасида бошқа ҳуқуқ субъектлари (бошқарув обьекти) учун мажбурий бўлган хулқ-автор қоидаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдикциявий (ҳуқуқни ҳимоя қилиш) фаолиятни юритадилар;

*3) давлат бошқаруви* – қонунларни ижро этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келган ҳамма жойда амалга оширилади. Давлат бошқаруви давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида – хўжалик-иктисодий қурилиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширилади. Давлат бошқаруви нафақат давлатга қарашли бўлган обьектларни, балки нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни ҳам қамраб олади (бунда давлат бошқаруви тартибга солиш ва контрол-назорат фаолияти сифатида намоён бўлади);

*4) давлат бошқаруви* – бу ижро ҳокимияти функцияланишининг обьектив қонуниятларига асосланган ва давлат манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган доимий ва режали фаолиятдир. Давлат бошқаруви жараёнида давлат вазифалари ва функциялари амалга оширилади;

*5) давлат бошқаруви* – давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизимини ташкил этадиган ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан ҳаракат қиласиган ушбу органлар давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлган ваколатларга эга бўладилар ва компетенция доирасида фаолият юритадилар;

*6) давлат бошқаруви* – қонунийлик принципига амал қиласи, яъни ижро ҳокимияти органларининг фаолияти қонунларга ва бошқа норматив

хужжатларга асосланади. Бошқарув фаолияти давлат органлари томонидан фақатгина уларга берилган ваколат доирасидагина амалга оширилади;

7) *давлат бошқаруви* – вертикал (субординациявий, иерархик) ва горизонтал алоқалар ва муносабатлар асосида ташкил этилади. Бошқарув жараёнида энг кўп тарқалган муносабатлар вертикал бўлиб, бошқарув субъектларининг маъмурий ва интизомий бўйисинуви асосида вужудга келади. Охирги вақтларда бошқарув жараёнида бошқарув субъектларининг тенглигига асосланган янги шаклдаги горизонтал муносабатларнинг вужудга келишини ҳам кузатиш мумкин (масалан, ижро ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, оммавий ёки маъмурий-хуқукий шартномаларни тузиш ва ҳ.к.лар);

8) *давлат бошқаруви* – ташкил этиш принципига асосланади, яъни унга бутун бошқарув механизмининг мақсадга мувофиқ ва доимий функцияланишини таъминловчи хилма хил шакллар хосдир. Давлат бошқаруви органларининг ташкиллаштириш фаолияти ҳам ташки, ҳам ички маъмурий функцияларни ижро этишни ўз ичига олади;

9) *давлат бошқаруви* – юрисдикциявий хусусиятга эга бўлган ваколатларни ҳам ўз ичига олади, яъни ижро ҳокимияти органлари томонидан “мажбурловчи” бошқарувни амалга оширишнинг маъмурий тартибини (суддан ташқари) таъминлайди (масалан, маъмурий жазо ёки маъмурий огохлантирув ёхуд маъмурий чеклов чораларини қўллаш).

Давлат бошқаруви функциялари тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун “**давлат функцияси**” ва “**хуқуқ функцияси**” атамаларини билиб олиш лозим. Бу иккала категория ўзаро боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри бир-бирига таъсир қўрсатади. Улар кўпгина ўхшаш томонлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Давлат ва хуқуқ назарияси фанидан келиб чиқадиган бўлсак, *давлат функцияси* унинг сиёсати, мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Давлат ўз функцияларини адо этиш учун қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва судлов фаолиятини олиб боради. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш услубларидан фойдаланади. Мазкур шакллар ва услубларнинг қўллаш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Давлат функцияларини таснифлаш (гурухларга, турларга бўлиш) эса, давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намойиш этишга кўмаклашади. Одатда давлат функциялари иккига: ички ва ташки функцияларга бўлинади.

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга давлат функциялари хос бўлиб ҳисобланади. Лекин шу билан бирга, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи функциялар ҳам мавжуддир.

Бошқарув функциялари муаммосини ўрганиш – бошқарув тузилиши ва

тизимини ташкил этиш, бошқарув органларининг объектив эҳтиёжларини аниқлаш имкониятини беради.

*Бошқарув функциялари* – бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига нисбатан аниқ йўналтирилган таъсир этиши (ташкил этиш, тартибга солиш, назорат қилиш) ҳисобланади.

Бошқарув функциялари аниқ мазмунга эга бўлиб, бошқарувнинг услублари ва шакллари ёрдамида (масалан, мажбурлов чоралари, ҳукуқий актларни қабул қилиш, бўйисинувчилик таъсири ва ҳ.к.лар) амалга оширилади.

**Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.** Ижро ҳокимияти – Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги муҳим категориялардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан, барча ривожланган давлатлар сингари, ҳокимият тизимининг учга бўлиниши принципини, ижро ҳокимияти тушунчасини мустаҳкамлади. Жумладан, Конституциянинг 11-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Конституциянинг 89-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Конституциянинг 98-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Демак, ижро ҳокимияти тушунчаси, биринчи навбатда Асосий қонунда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари. “давлат бошқаруви” атамаси ҳам қонун хужжатларида тез-тез учраб турибди. Буларнинг ҳар бирининг мазмuni ва уларнинг ўзаро муносабати қандай, деган савол вужудга келиши мумкин.

Ижро ҳокимияти – абстрак сиёсий-хукуқий категория бўлиб, давлат ҳокимияти мавжудлигини қўрсатади, қонунларни ва унинг нормаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида амалга оширилади, давлат органларининг доимий функцияланишини, инсонларнинг хукуқ ва эркинликларини химоя қилишни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди. Ижро ҳокимиятининг мазкур функцияларини бажариш орқали бошқарув ҳаракатлари амалга оширилади ва бошқарув қарорлари қабул қилинади. “Давлат бошқаруви” атамаси эса, амалий ташкилий-хукуқий маънога эга. Давлат бошқаруви – бу ижро ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир. Давлат бошқаруви – бу давлат механизмининг самарали ва мақсадга мувофиқ ишлашини таъминловчи давлат фаолиятидир. Хукуқ ижодкорлиги, ҳокимият ваколатларини ва давлат мажбурловини амалга ошириш ҳамда тартибга солиш давлат бошқарувининг ажралмас элементлари ҳисобланади.

Кўпгина юридик адабиётларда ижро ҳокимияти – сиёсий-хукуқий, давлат бошқаруви эса – ташкилий-хукуқий категория сифатида қўрсатиб ўтилади. Бу иккала давлат-хукуқий категория ҳам мавжуд бўлишга ҳақлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувисиз давлат ҳокимияти механизмининг ишлашини тасаввур қилиб бўлмайди.

“Ижро ҳокимияти” тушунчаси “давлат бошқаруви” тушунчасига қараганда торроқ бўлиб, унинг самарали функцияланиши - давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш даражасига боғлиқдир. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти – давлат бошқаруви жараёнида амалга ошириладиган ҳокимият ваколатларининг ҳажми ва хусусиятларини белгилаб беради. Ижро ҳокимияти органлари давлат бошқаруви ташкилий тузилмасининг асосини ташкил этиб, турли ижтимоий жараёнларга, инсонларнинг ҳаракатлари ва фаолиятига бевосита бошқарув таъсирини кўрсатади. Ижро ҳокимияти бошқарув шаклида ва бошқарув жараёнлари воситасида амалга оширилади.

Ижро ҳокимияти – бу маълум бир муносабатлар тизими бўлиб, унинг асосий элементларидан бирини – бошқарув ташкил этади. Ижро ҳокимияти – давлат аппарати махсус тузилмалари (давлат бошқарув органлари)нинг фаолияти орқали ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади.

Демак, давлат бошқаруви – давлат фаолиятининг шундай турики, унинг доирасида давлат ҳокимиятининг бир бўлгаги бўлган ижро ҳокимияти амалга оширилади.

**Давлат бошқарувининг асосий принциплари.** Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини унинг принципларида кўришимиз мумкин. Ҳар қандай давлат фаолияти сингари давлат бошқаруви ҳам, маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Принципларга бўйсенишлик хосдир. Бошқарув принциплари объектив қонунийликни аниқлашнинг ва ундан ақл-идрок билан фойдаланиш шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Принципларга сўзсиз риоя килиш лозимдир. Агар бошқарув принциплари бузилса, у бевосита амалий вазифаларни хал этишга тўскىнлик қиласди.

Бошқарув принциплари турли-тумандир. Шу билан бирга, улар чамбарчас боғлиқдир. Принципларнинг баъзи бирларига риоя қилиш бошқаларининг амалга оширилишига кўмаклашади ва аксинча, маълум бир принципга риоя этмаслик бошқаларининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини таҳлил қиласиган бўлсақ, давлат бошқарувининг қуидаги асосий принципларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1) қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги принципи. Бу принципга асосан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа хуқуқий нормалари муқаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу принцип асосий қонунимиз бўлган – Конституциянинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда қонунийлик ва хуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг хуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жихатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар,

умуминсоний қадриятлар хурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда қабул қилинган қонунлар олдида барча бирдай масъулдир. Қайси бир жамиятда қонунлар бажарилмай қофозда қолиб кетса, ундан жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи лозим. Айнан шу ерда давлат бошқарувининг асосий вазифасини кўришимиз мумкин, яъни давлат бошқаруви - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини ижро этишга хизмат қиласди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устулигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги:

*биринчидан*, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян хукмронлигини, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, фуқаро қонунга бўйсениш мажбуриятидан ҳоли бўлиши мумкин эмаслигини англатади;

*иккинчидан*, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилади.

Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобокалонимиз Амир Темур таъкидлаганидек, “Қаерда қонун хукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишиларнинг қонунга амал қилишини муҳим принцип деб ҳисоблаб, ўзининг “Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи” нутқида: “Қонун, яна бир бор қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, - барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”, - деб кўрсатади;

2) *қонунийликнинг ягоналиги принципи*. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси худудида қонунлар бир хилда кўлланилишини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва уни амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб етиш учун ниҳоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юонон мутафаккирлари Протагор,

Антифонт, Ликофон ва қадим Хитой донишманди Конфуций сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотларида илгари сурилган. Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидаги тенглик тушунчаларини ишлаб чиқишидаги хизматлар қадимги Рим ҳуқуқшуносларига тегишли. Цицерон “Ҳамма қонун таъсири остида бўлиши керак”, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасида қонуннинг ягоналиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги:

*биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари унинг барча ҳудудида амал қилишини ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида қабул қилиниб, уларга зид бўлмаслигини, талаб қиласди;

*иккинчидан*, Ўзбекистон қонунлари унинг ижтимоий ва давлат тузумини, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини қўриқлади;

*учинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилади;

*3) давлат бошқарувининг ҳалқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши принципи.* Конституциянинг 7-моддасига биноан ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини қўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ҳуқуқий демократик давлатларнинг олиб борадиган сиёсатларини ҳалқнинг хоҳиши-иродаси белгилаб бериши лозим. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Жумладан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб қўрсатилган;

*4) давлат бошқарувида ҳалқнинг иштироки принципи.* Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг омма иштирок этади. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида қўришимиз мумкин. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасига биноан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳалқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини босқичма-босқич шакллантириш - мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир. “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий концепциянинг асл моҳияти жамиятни бошқаришда аста-секин нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок

этишини тобора кенгайтиришда кўринади. Барча демократик давлатларда бўлгани каби бизнинг давлатимизда ҳам жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ошиб бормоқда.

Конституциянинг 35-моддасига биноан эса, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Демак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши орқали ҳам амалга оширилади;

*5) давлат бошқарувининг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги принципи.* Конунийлик аҳоли маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади.

Инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти қанча юқори бўлса, қонунийлик ва ҳукуқ тартибот таъминланади, қонун бузилиши шунчалик кам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармонига кўра ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятни сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

а) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди;

б) республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чукур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш - давлат бошқарув, ҳуқуқни муқофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзаб вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинди. Миллий дастурнинг асосий вазифаси сифатида - ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириб, кенг халқ ўртасида ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаб, аҳоли маданий даражасини кўтариш вазифаси белгилаб қўйилди;

*6) давлат бошқарувининг демократик жараёнлар билан боғланганлиги принципи.* Давлат бошқаруви демократия билан узвий боғлиқдир. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳокимият органлари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Давлат бошқаруви - демократик тартибларга бўйсимишни талаб қиласди, демократик тартиблар, ўз навбатида, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлизиз ҳуқуqlари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

## **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси нинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
- Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрнини тушунтиринг.
- Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини тушунтиринг.
- Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.
- Давлат бошқарувининг асосий принципларини ёритинг.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

### **1 - топшириқ**

Ижтимоий бошқарув ва давлат бошқарувига оид чет эл олимларини фикрларини келтиринг.

- *Ушибу фикрларни таққосланг?*
- *Ушибу фикрларнинг умумий жиҳати нимада?*

### **2 - топшириқ**

Ижтимоий бошқарув ва давлат бошқарувига оид миллий олимларимизнинг фикрларини келтиринг.

- *Ушибу фикрларни таққосланг.*
- *Ушибу фикрларнинг умумий жиҳати нимада?*
- *Юқоридигилардан келиб чиқиб ўз хуросаларингизни билдиринг.*

## **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириштарақиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).
- 3) Алимов Х.Р., Соловьев Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
- 4) Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
- 5) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
- 6) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши тингловчилари учун дарслик / Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
- 7) Erkin Xoじиев, To'qin Xoじиев. Ma'muriy huquq. Darslik. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 b.
- 8) Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
- 9) F.Хакимов. “Маъмурий ҳуқуқ” фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

## **6-мавзу Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари.**

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
2. Маъмурий ҳуқуқ предмети.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули.
4. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
5. Маъмурий ҳуқуқ тизими.
6. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг асосий мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти” модулининг 6-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси. Маъмурий ҳуқуқ предмети. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни. Маъмурий ҳуқуқ тизими. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва тингловчиларда мазкур мавзу ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, давлат бошқарувига оид мавжуд қонунчилигимиз таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, маъмурий ҳуқуқ манбалари тўғрисида билим ва кўникмага эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, маъмурий ҳуқуқ тушунчаси ва предметига оид ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади;

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилганахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;

- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида давлат бошқарувининг замонавий концепциялари тушунтирилади;
- ✓ Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига оид билимлар ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzага якун ясалади.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

- **Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи** – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқукий нормалар йифиндисидан иборат.
- **маъмурий ҳуқуқнинг предметини** ташкилий жихатдан бири иккинчисига бўйсинадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар, бир-бирига бўйсингандиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар, давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсинадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар, давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар ташкил этади.
- **маъмурий-ҳуқукий нормалар** – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқукий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қоидалардир.
- **маъмурий-ҳуқукий институтлар** – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг алоҳида гурухи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, маъмурий-ҳуқукий институтлар – маъмурий-ҳуқукий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гурухи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади. Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян мустақиллик хусусиятига эга. Зоро, маъмурий-ҳуқукий институтлар маълум даражада мустақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

**Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.** Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар кандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – бошқарилувчи объектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни таксимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ – жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараённида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

**Маъмурий ҳуқуқ предмети.** Маъмурий ҳуқуқ маълум бир ижтимоий муносабатлар грухини тартибга солиб, мазкур муносабатлар унинг предметини ташкил этади. *Ҳуқуқий тартибга солиши предмети* – бу ижтимоий муносабатлар доирасидир.

Маъмурий ҳуқуқнинг предметига давлат бошқаруви жараённида вужудга келадиган қўйидаги ижтимоий муносабатлар грухини киритади:

1) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсинадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат қўмиталарининг уларга бўйсинган бошқарма ва бўлимлари ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

2) бир-бирига бўйсинграйдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат қўмитаси ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

3) давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсинадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

4) давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

5) давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

**Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби.** Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ тармоқларига ажратишнинг асосларидан бири – бу ҳуқуқий тартибга солиш услубидир.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуби – жамиятдаги мавжуд муносабатларга ҳуқуқ таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар йигиндисидан иборатдир. Ҳуқуқий тартибга солиш услуби узоқ тарихий жараёнда шаклланган бўлиб, давлат ундан ҳуқуқ нормаларини яратишда ва ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни тартибга солишда фойдаланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услубларини мазмун-моҳиятига кўра икки гурухга: диспозитив ва императив услубларга бўлиш мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари маъмурий ҳуқуқ ҳам, ўзининг тартибга солиш услубига эгадир. Маъмурий ҳуқуқ тартибга солиш функциясини амалга ошириб, давлат бошқаруви жараёнидаги муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга соловчи ҳуқуқий воситалар ёки услубларнинг муайян мажмуидан фойдаланади.

Маъмурий ҳуқуқ тартибга солишининг ўз предметига эга бўлиб, хусусан, бу - давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу фаолият давлат фаолиятининг бошқа турларидан ўзининг вазифалари, мақсадли йўналиши ва намоён бўлиш шакллари билан фарқ қиласди.

Маъмурий ҳуқуқий тартибга солишга давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган қўрсатмалар хосдир. Маъмурий муносабатларнинг бошқа томони ушбу қўрсатмага бўйсенишга мажбур. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимиёт қўрсатмалари ёрдамида давлат амалда ўзининг бошқарув фаолияти соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.

*Маъмурий ҳуқуқнинг асосий услуби, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторига таъсири қўрсатиш услуга ва воситалари - давлат-ҳокимиёт қўрсатмалари услуби* ҳисобланади. Ушбу услубнинг қўлланиши жамиятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак бўлган бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

**Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.** Бошқарув жараёнида турли хилдаги ҳуқуқ нормалари таъсири остида бўладиган ва маъмурий ҳуқуқ предмети доирасига кирмайдиган муносабатлар тартибга солинади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими турли тармоқларининг ўзаро муносабати вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқ фани конституциявий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқи фанларига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу ҳуқуқ тармоқлари ўзининг тартибга солиш предмети (ижтимоий муносабатлар доираси) ва ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади.

Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унда давлатнинг ижтимоий тузилиши ва давлат сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, экринликлари ва бурчлари ифодаланади.

Конституциявий ҳуқук фанининг предмети маъмурий ҳуқук фанининг предметидан кенгdir. Жумладан, конституциявий ҳуқук барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқук нормалари эса, юқоридагиларга асосланиб, давлат бошқаруvida уларни қўллашни тартибга солади.

**Маъмурий ҳуқук тизими.** Ҳуқук тизими – ҳуқуқнинг ички тузилиши, таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳамда нисбатни белгилаб беради.

Ҳуқук тизими - жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиб борадиган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у ҳуқук нормаларининг умумий ва фарқли хусусиятларини кўрсатиб беради.

Ҳуқук тизими: *биринчидан*, ижтимоий муносабатларнинг мазмuni билан боғлиқ ҳолда, объектив равишда шаклланади; *иккинчидан*, у яхлит тизим сифатида ҳуқуқнинг ички тузилишини кўрсатади; *учинчидан*, ҳуқук нормаларининг муайян гуруҳларга бирлашишини кўрсатади; *тўртинчидан*, ҳуқук нормаларининг ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини кўрсатади; *бешинчидан*, ижтимоий муносабатлар хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги ҳуқук нормаларининг маълум даражада ихтисослашувини тақозо этади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқук нормаларига ҳам уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги хос бўлиб, бу боғлиқлик нафақат уларни чиқарган ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳолати ҳамда ушбу нормаларни қўллаш соҳаси билан, балки ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ички тузилмаси қонуниятлари билан ҳам белгиланади. Демак, маъмурий ҳуқук ўзининг ички тузилмаси ёки тизимига, яъни кўплаб бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементларга эга бўлиб, уларда маъмурий-ҳуқуқий нормалар муайян изчилликда бирлашади ва жойлашади.

*Маъмурий ҳуқук тизими* деганда, унинг давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган муносабатлар билан объектив белгиланган ички тузилиши, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян изчилликда бирлашиши ва жойлашишини тушуниш лозим.

Маъмурий ҳуқук тизими – маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва институтларни бирлаштиради.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда, “*маъмурий ҳуқук тизими*”дан “*маъмурий ҳуқук фани тизими*” фарқланади. *Маъмурий ҳуқук фани тизими* маъмурий ҳуқук тизимига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

*маъмурий-ҳуқуқий нормалар* – маъмурий ҳуқук фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулк-атворини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қоидалардир;

*маъмурий-ҳуқуқий институтлар* – маъмурий ҳуқук фани тизимининг алохида гурухи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян тартибга

солади. Одатда, маъмурий-хуқуқий институтлар – маъмурий-хуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади. Маъмурий хуқуқ тармоғи ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян мустақиллик хусусиятига эга. Зеро, маъмурий-хуқуқий институтлар маълум даражада мустақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

*маъмурий хуқуқ фани бўлимлари (гуруҳлар)* – маъмурий хуқуқ фани тизимининг йирик таркибий қисми бўлиб, ўзида бир неча маъмурий-хуқуқий институтларни бирлаштиради. Маъмурий хуқуқ фани тизимида ўзаро яқин (ўхшаш) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-хуқуқий институтлар бирлашиб, маъмурий хуқуқ фанининг бўлимлари (гуруҳларини) ташкил этади. (масалан, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви принциплари, давлат бошқаруви функциялари сингари маъмурий-хуқуқий институтлар ўзининг яқинлигига қараб ягона бўлимга бирлашган.)

Ҳар қандай хуқуқ фани сингари маъмурий хуқуқ фани тизими ҳам икки қисмга бўлинган:

1) умумий қисм – бунда давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнининг умумий томонларини белгилаб берувчи маъмурий-хуқуқий нормалар (маъмурий-хуқуқий институтлар, бўлимлар) назарда тутилган. Маъмурий хуқуқ фани тизимининг умумий қисми қуйидаги институтлардан иборат: *давлат бошқаруви тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва асосий принциплари; давлат бошқаруви субъектлари ва уларнинг хуқуқий мақоми; давлат бошқаруви шакллари ва услублари; давлат бошқарувида маъмурий-хуқуқий мажбурлов чоралари; маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик; маъмурий жараён; давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш*;

2) маҳсус қисм – бунда жамиятнинг алоҳида соҳаларида амалга ошириладиган давлат бошқарувининг хусусиятларини белгилаб берувчи маъмурий-хуқуқий нормалар (маъмурий-хуқуқий институтлар, бўлимлар) кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: *иқтисодиёт соҳаларини бошқариши* (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, йўл хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари); *ижтимоий-маданий соҳаларни бошқариши* (таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни саклаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш); *маъмурий-сиёсий фаолият соҳасини бошқариши* (мудофаа, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, ташқи ишлар, адлия); *тармоқлараро бошқа соҳаларни бошқариши* (табиатни муҳофаза қилиш, молия ва кредит тизими, ташқи иқтисодий фаолият, давлат статистикаси, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва ҳ.к.лар).

**Маъмурий хуқуқ манбалари.** Маъмурий-хуқуқий нормалар кўп сонли хуқуқий хужжатларда (манбаларда) мустаҳкамланган.

**Хуқуқ манбалари** – хуқуқий нормалар ифодасининг ташқи шакллари, хуқуқ мавжуд бўлишининг шакллари ҳисобланади.

Хуқук манбаси деганда – мазкур жамият томонидан хуқуқни тушуниш хусусияти билан белгиланган ижтимоий нормаларни мажбурий деб билиш услугини тушуниш керак. Тарихда мажбурий нормалар мавжуд бўлишининг уч шакли маълум: норматив-хуқуқий ҳужжатлар, суд прецеденти ва ҳуқуқий одат.

Ўзбекистон ҳуқук тизимининг роман-герман турига кирадиган ўзига хослиги, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг маъмурий ҳуқук манбаси сифатидаги устуворлигини белгилайди.

Республикамизда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг олдинги услубидан (маъмурий-буйруқбозлик) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш – бозор муносабатларининг туб негизидир. Ушбу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

## **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- Маъмурий ҳуқук тушунчаси ва маъмурий ҳуқук предметини тушунтиринг.
- Маъмурий ҳуқук томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини очиб беринг.
- Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усулини изоҳланг.
- Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқук тизимида тутган ўрни ҳақида гапиринг.
- Маъмурий ҳуқук тизими ва маъмурий ҳуқук манбаларини ёритиб беринг.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

### **1 - топшириқ**

Маъмурий ҳуқук тушунчасини ёритиб беринг.

- *Маъмурий ҳуқуқнинг оммавий ҳуқук билан ўзаро муносабати нимада?*
- *Маъмурий ҳуқуқнинг хусусий ҳуқук билан ўзаро муносабати нимада?*

### **2 – топшириқ**

Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқук тизими тутган ўрнини ёритиб беринг.

- *Маъмурий ҳуқук ва фуқаролик ҳуқуқининг ўзаро муносабати нимада?*
- *Маъмурий ҳуқук ва жиноят ҳуқуқининг ўзаро муносабати нимада?*

- *Юқоридигилардан келиб чиқиб маъмурий ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари билин ўзаро муносабати ўз ҳулосаларингизни билдиринг.*

## **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маъruzаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириштараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маъruzаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).
- 3) Алимов Х.Р., Соловьевна Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
- 4) Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслік. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
- 5) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
- 6) Эркин Ҳожиев, Тўлқин Ҳожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши тингловчилари учун дарслік / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
- 7) Erkin Xo'jiyev, To'qin Xo'jiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 b.
- 8) Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiyligi tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
- 9) F.Хакимов. “Маъмурий ҳуқуқ” фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

## **7-мавзу Маъмурий-хуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.**

Режа

1. Маъмурий-хуқуқий нормалар мазмуни ва таркиби.
  2. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг таснифи.
  3. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракати.
  4. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
- Маъмурий хуқуқ субъектлари

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг асосий мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий хуқуқ назарияси ва амалиёти” модулининг 7-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий-хуқуқий нормалар мазмуни ва таркиби. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг таснифи. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракати. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг турлари. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши. Маъмурий хуқуқ субъектлари” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва тингловчиларда мазкур мавзу ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир Маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

#### **Маъруза натижасида тингловчи:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар тўғрисида билим ва кўникмага эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар оид ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади;

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилганахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар тушунирилади;

- ✓ Маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар оид олимларнинг илмий қарашлари ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzaga якун ясалади.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

- **Маъмурий-хуқуқий нормалар** – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, хуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларидир.
- **Моддий маъмурий-хуқуқий нормалар** - давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва мазмунини, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини белгилайди.
- **Процессуал маъмурий-хуқуқий нормалар** - тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун моддий маъмурий-хуқуқий нормаларда назарда тутилган, давлат бошқаруви соҳасидаги юридик хуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди.
- **Маъмурий-хуқуқий муносабатлар** – бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ бўлган ва маъмурий-хуқуқий нормалар билан тартибга солинган хуқуқий муносабатларнинг бир туридир.

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

### **Маъмурий-хуқуқий нормалар тушунчаси ва хусусиятлари.**

Маъмурий-хуқуқий нормалар – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, хуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларидир.

Маъмурий-хуқуқий нормалар – маъмурий хуқуқ тармоғининг бошланғич элементи сифатида, қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

биринчидан, маъмурий-хуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторини, хатти-ҳаракатини тартибга солади;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради;

тўртинчидан, ҳуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганида давлатнинг мажбурлов чоралари орқали ижтимоий муносабатларни ҳимоя қиласиди.

Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари – маъмурий ҳуқуқ предмети ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш услубининг хусусиятлари билан белгиланади. Маъмурий-хуқуқий нормалар – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими бошқа тармоқларининг нормаларидан фарқли равища, маҳсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли, маъмурий-хуқуқий нормаларнинг мазмунини давлат бошқаруви жараёнида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракатлар доираси ташкил этади. Улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг давлат бошқаруви соҳасида қачон ва қандай тартибда ҳаракат қилгандаридан қонунчилик талаблари аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланади. Шу билан бирга, маъмурий-хуқуқий нормаларда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тишиш кераклиги кўрсатилади.

**Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тузилиши.** Маъмурий-хуқуқий нормалар, ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи сингари ўзининг ички мантиқий тузилишига эга бўлиб, айни пайтда улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Юридик адабиётларда маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тузилиши (таркиби) бўйича турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида ҳуқуқий нормалар уч қисмга бўлинган:

*1) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг гипотезаси.*

Гипотеза – ҳуқуқий норманинг ҳаракатга келишини ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга оширилишини, шунингдек, ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни белгилаб беради.

Гипотезада шартлар шаклланиб, улар мавжуд бўлган ҳолларда норма талабларига асосланиш лозим. Гипотезалар икки шаклда намоён бўлади:

*а) мутлоқ аниқ гипотеза* – бунда ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ҳаракатга келиши аниқ кўрсатиб ўтилади.

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 13-моддасида “*Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда 16 ёшига тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар*”, деган норма назарда тутилган. Мазкур норма – мутлоқ аниқ гипотезада берилган бўлиб, норманинг қайси вақтда ҳаракатга келиши аниқ белгиланган (ушбу мисолимизда гипотеза “*16 ёшига тўлган*”);

б) нисбий аниқ гипотеза – бунда норманинг ҳаракатга келиши аниқ кўрсатиб ўтилмай, норманинг ҳаракати бошқа норманинг амалга оширилишидан вужудга келади.

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 25-моддасига биноан “Жарима - маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишида айбор бўлган шахсдан давлат ҳисобига тул ундиришидир”. Мазкур норма – нисбий аниқ гипотезада берилган бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чорасини белгиловчи нормаларнинг амалга оширилиши билан ҳаракатга келади.

Демак, гипотеза – ҳуқуқий норманинг таркибий қисми бўлиб, унинг қачон ва қандай вазиятда ҳаракатга келишини белгилаб беради. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, аксарият маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг гипотезаси нисбий аниқ ҳолатда берилади.

2) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг диспозицияси. Диспозиция – ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, хатти-ҳаракатлари доираси кўрсатиб ўтилади.

Ҳуқуқий норма диспозициясида – кўрсатма, рухсат бериш, ман этиш, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчилари хулқ-авторининг мазмуни кўрсатиб ўтилади. Ҳуқуқий нормалардаги диспозиция қисми турли кўринишларда ифодаланган бўлиши мумкин:

а) ҳуқуқий норма - гипотеза, диспозиция ва санкциядан иборат бўлиши мумкин.

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 41 моддасига биноан “Ҳақорат қилиши, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасдан камситиши, - энг кам иши ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”. Мазкур норма учала қисмдан ҳам иборат;

б) ҳуқуқий нормада диспозиция қисми билан бир қаторда, унинг қайси ҳолатда ҳаракатга келиши (гипотеза) назарда тутилган бўлиши мумкин

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 39-моддасига биноан “Маъмурий жазони қўлланиши маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганилиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди”. Ушбу норма гипотеза ва диспозициядан иборат;

в) ҳуқуқий нормада фақатгина диспозиция қисми кўрсатиб ўтилган бўлиши мумкин.

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 1-моддасига биноан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушибу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпогистон Республикаси қонунлари, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашигининг қарорлари, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатdir. Мазкур нормага эътибор берадиган бўлсак, у фақатгина диспозициядан, яъни давлат кўрсатмасидан иборат.

3) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг санкцияси.

Кўпгина хуқуқшунос олимларининг фикрича, хуқуқий нормаларнинг санкцияси – бу маъмурий-хуқуқий нормалар диспозициясида мавжуд бўлган талабларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чораларини назарда тутувчи таркибий қисм сифатида таърифлашади. Улар хуқуқий нормалар санкцияси мазмунининг бир томонлама хусусиятини, яъни фақатгина жавобгарликдан иборат эканлигини кўрсатишади. Мазкур қарашларнинг тарафдорлари “хуқуқий норма санкцияси” ва “жавобгарлик санкцияси” тушунчаларини бир ўринга кўйишишади.

Бизнингча, санкция – бу хуқуқий норма диспозицияси қисмида кўрсатиб ўтилган хатти-харакатга нисбатан таъсир чораси бўлиб, ҳам салбий (негатив), ҳам ижобий (позитив) хусусиятга эга бўлиши мумкин.

**Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг таснифи.** Маъмурий-хуқуқий нормалар ўзининг тартибга солиш йўналиши ва унга мувофиқ ҳолда юридик мазмуни билан ниҳоятда хилма-хилдир. Шу сабабли давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун уларни таснифлаш катта аҳамиятга эгадир.

Аксарият хуқуқшунос олимлари маъмурий-хуқуқий нормаларни икки гурухга: *моддий* ва *процессуал* нормаларга бўлади. Бундай таснифлаш мезони сифатида айрим ҳолларда маъмурий-хуқуқий нормалар мазмуни, бошқа ҳолларда эса, маъмурий-хуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

*Моддий маъмурий-хуқуқий нормалар* - давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва мазмунини, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини белгилайди. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан “*Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади*”. Мазкур норма моддий ҳуқуқий норма бўлиб, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг ваколатини белгилаб берган.

*Процессуал маъмурий-хуқуқий нормалар* - тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун моддий маъмурий-хуқуқий нормаларда назарда тутилган, давлат бошқаруви соҳасидаги юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Бошқача айтганда, улар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича фаолият тартибини белгилайди ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган ушбу фаолиятдаги жараён қоидаларига риоя этилишини талаб қиласди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига биноан “*Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиши тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади*”. Ушбу норма маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини бевосита амалга оширишга кўмаклашувчи процессуал хуқуқий норма ҳисобланади.

**Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракати.** Хуқуқий нормаларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг муҳим шарти – уларнинг ҳаракат доирасини аниқ белгилаш ҳисобланади. **Хуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиши** – уларда назарда тутилган юридик оқибатларнинг вужудга чиқишидир. Юридик адабиётларга биноан хуқуқий нормаларнинг ҳаракати (амал қилиши) қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

**1) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиши мавзуси.**

Маъмурий-хуқуқий нормалар давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган турли мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан, давлат органларида хизматни ўташ тартибини белгиловчи нормалар, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашга қаратилган нормалар, маъмурий хуқуқ субъектларининг хуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар ёки маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормалар ва ҳ.к.лар;

**2) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши (амалда бўлиши).** Нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши – норма назарда тутилган қонун ёки бошқа норматив хужжатнинг юридик кучга кириши ёки уни йўқотиш вақтини англатади. *Норматив ҳужжатлар* одатда: а) қонун ёки бошқа норматив хужжатда кўрсатиб ўтилган муддатда; б) матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб; в) аксарият нормалар 10 кунлик муддат ўтиши билан юридик кучга эга бўлиб, нормаларни ҳаракатга келтиради.

*Норматив ҳужжатлар* ўзининг юридик кучини қуйидаги ҳолатларда тўхтатади: а) норматив хужжатнинг амал қилиши белгиланган муддат ўтиши билан; б) ваколатли давлат органининг норматив хужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарорининг чиқарилиши; в) янги хужжатнинг қабул қилиниши билан эскисини бекор қилиш.

Норматив хужжатлар ўзининг юридик кучини йўқотиши билан, ундаги нормаларнинг ҳаракати ҳам тўхтайди.

Нормаларнинг кучга кириши ва амалда бўлишини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар белгиланган вақтдан бошлаб сўzsиз бажарилиши лозим бўлади.

Маъмурий-хуқуқий нормалар вақт бўйича ҳаракатланишида орқага қайтиши кучига эга бўлиши мумкин. Жумладан ЎзР МЖтКнинг 9-моддасига биноан “*Маъмурий хуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиши кучига эгадир, яъни ушибу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган хуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий хуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиши кучига эга бўлмайди*”;

**3) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг маконда (худудда) ҳаракатланиши.** Одатда, маъмурий-хуқуқий нормаларни ўзида ифода этган норматив хужжатлар бутун республика ҳудудида ҳаракатда бўлади. Лекин баъзи бир нормаларнинг макон бўйича ҳаракатланиши доираси аниқ белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, қонунлар бутун республика миқёсида ҳаракатда бўлса, маҳаллий ҳокимият органларининг норматив хужжатлари

маълум бир худудларда (вилоят, туман, шаҳар миқёсида) ҳаракатда бўлади. Бундан ташқари, корхона, муассаса ёки ташкилотлар доирасида ҳаракатда бўлувчи нормалар ҳам мавжуд .

Айрим ҳолларда маъмурий-хуқуқий нормалар давлатлараро миқёсларда амал қилиши мумкин. Бу нормалар икки томонлама битимларга мувофиқ бир неча давлатлар ҳудудида юридик кучга эга бўлади;

**4) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракатланиши.** Хуқуқий нормаларнинг асосий вазифаси бўлиб – улар томонидан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, муносабат субъектларининг доирасини аниқлаб бериш ҳисобланади. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракати, аксарият ҳолатларда уларнинг эгаллаб турган мақомига боғлиқ бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари барча фуқароларга нисбатан татбиқ қилиниши мумкин. Лекин мазкур қонунлардаги нормаларнинг айримлари хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. (масалан, сайлаш хуқуқи ёки ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти) Ёки, юридик шахсларнинг хуқуқий мақомини белгиловчи нормалар фуқароларга нисбатан татбиқ этилмайди. Хуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатангина жавобгарлик нормалари ҳаракатга келиши мумкин ва ҳ.к.лар.

**Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.** Маъмурий-хуқуқий муносабатлар – бу маъмурий хуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар ўзининг тузилишига қўра, муносабат *субъекти, обьекти ва мазмунига* эга.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг *субъекти* бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-хуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг *объекти* бўлиб эса, маъмурий хуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади. “Объект” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “мавзу” деган маънони англатади. Ҳар қандай хуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли обьектсиз хуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.

Кўпгина хуқуқшунос олимларнинг фикрича, маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг обьектини – ягона, яъни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги маъмурий хуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари ташкил этади.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг *мазмунини* – маъмурий хуқуқ субъектларининг хуқуклари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар (кенг тарқалган концепциялардан бири) қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

а) бу муносабатлар – давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади;  
б) бу муносабатларда ҳамма вақт давлат бошқаруви органи иштирок этади;

в) бу – бўйсинувга асосланган муносабатлар бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар юридик жиҳатдан тенг эмас.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари (яна бир концепцияга биноан) қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) бу муносабатлар - давлат бошқаруви жараёнида (ёки соҳасида) вужудга келади;

б) бу муносабатларнинг мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-хуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари ҳисобланади;

в) бу муносабатлар - ҳокимият-бўйсинув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;

г) бу муносабатлар - оммавий ёки индивидул манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади;

д) бу муносабатлар - ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув объектига ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади;

е) бу муносабатлар - қонунийликни таъминлашнинг алоҳида хуқуқий тартиби ва ўзининг хуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради.

**Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши.** Маъмурий-хуқуқий муносабатлар маъмурий-хуқуқий нормаларда назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлганида вужудга келади. Маъмурий-хуқуқий нормалар ўз-ўзидан бевосита маъмурий-хуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Балки, маъмурий-хуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва мезонларини белгилаб беради. Бу – **юридик фактлар** бўлиб, норма талабидан келиб чиқсан ҳолда томонлар ўртасида маълум бир хуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳолатлардир.

Юридик фактлар турлича бўлиши мумкин. Жумладан, келиб чиқадиган хуқуқий оқибатларга қўра юридик фактлар:

- а) хуқуқни яратувчи;
- б) хуқуқни ўзгартирувчи;
- в) хуқуқни бекор қилувчи фактларга бўлинади.

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар ҳаракатлар ва ҳодисалар сингари юридик фактлардан вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин.

Ҳаракатлар – бу хуқуқ субъектлари томонидан ўз хоҳиш-иродаларини ифодалашнинг натижасидир.

Аксарият маъмурий-хуқуқий муносабатлар ҳаракатлардан вужудга келиб, улар субъектнинг фаол хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади. Ҳаракатлар иккига бўлинади:

а) қонуний ҳаракатлар – ҳамма вақт маъмурий-хуқуқий нормалар талабига мос келади. Бунда юридик факт сифатида муносабат иштирокчиларининг қонунга мувофиқ ҳаракати намоён бўлади.

Конуний ҳаракатлар ўз навбатида икки кўринишга эга:

- давлат бошқаруви органларининг хуқуқий актлари.

Хуқуқий актлар норматив ёки якка (индивидуул, маъмурий) актларга бўлинади. Хуқуқий актларда қонунга мувофиқ ҳаракатлар муайян хуқуқий оқибатларни вужудга келтиришини назарда тутиб содир этилади. Бундай ҳаракатларда - хуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига қаратилган ирода ифодаланади;

- юридик хатти-ҳаракатлар;

б) қонунга хилоф ҳаракатлар – маъмурий-хуқуқий нормалар талабларига мос келмайдиган, уларни бузадиган ҳаракатлардир. Бу - давлат бошқаруви соҳасига хос бўлган интизомий ва маъмурий ножӯя ҳаракатлардир. Шахснинг ҳаракатсизлиги ҳам айнан мана шу гурухга киради (масалан, ички ишлар ходими томонидан жамоат тартибини сақлашга қаратилган чораларнинг кўрилмаслиги).

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўладиган иккинчи юридик факт – бу ҳодисалардир. Ҳодисалар одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган фактлардир (инсоннинг туғилиши, маълум бир ёшга етиши, ўлими, табиий офат ва бошқалар).

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг турлари. Давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган маъмурий-хуқуқий муносабатлар турли-туман бўлиб, уларни бир неча асосларга кўра таснифлаш (гурухлаш, турларга бўлиш) мумкин.

Хуқуқ назариясига асосланиб, маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг вазифаси ва функционал белгиланишига қараб, уларни иккига бўлиш мумкин:

а) тартибга солувчи муносабатлар, яъни хуқуқ субъектларининг мўътадил хулқ-автори, хуқуқка мувофиқ хатти-ҳаракатларининг натижасида вужудга келадиган муносабатлар;

б) муҳофаза қилувчи муносабатлар, яъни хуқуқбузарликни содир этиш ва бу учун давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти асосида вужудга келадиган муносабатлар.

Кўпгина юридик адабиётларда хуқуқий муносабатларнинг моддий ва процессуал турларга бўлиниши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Моддий хуқуқий муносабатлар – бу моддий маъмурий-хуқуқий нормалар асосида вужудга келадиган ҳамда хуқуқ субъектлари томонидан хуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир.

Процессуал хуқуқий муносабатлар – давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, хуқуқий муносабат субъектларининг субъектив процессуал хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш ва тартибга солишда намоён бўлади.

Маъмурий хуқуқ субъектлари ва уларнинг хуқуқий мақоми тушунчаси. Ҳар бир хуқуқ тармоғи ўзининг субъектларига эга бўлиб, улар тартибга

солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади.

“Ҳуқуқ субъекти”дан “ҳуқуқий муносабат субъекти”ни фарқлаш лозим. Олдинги боблардан маълумки, ҳуқуқий муносабат субъекти – бу аниқ бир ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчисидир. Ҳуқуқ субъекти эса, бу ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта оладиган ҳамда субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган шахслардир.

Ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий муносабатларга киришганида, ҳуқуқий муносабат субъектига айланиши мумкин. Лекин ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган ҳуқуқ субъектлари ўзларининг олдинги ҳолатини йўқотмайди. Ҳуқуқ субъектлари бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда, ҳуқуқ субъекти ҳуқуқий муносабат субъектига қараганда кенгроқ тушунчадир.

**Маъмурий ҳуқуқ субъектлари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.** Ҳар бир ҳуқуқ тармоғи ўзининг субъектларига эга бўлиб, улар тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади.

“Ҳуқуқ субъекти”дан “ҳуқуқий муносабат субъекти”ни фарқлаш лозим. Олдинги боблардан маълумки, ҳуқуқий муносабат субъекти – бу аниқ бир ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчисидир. Ҳуқуқ субъекти эса, бу ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта оладиган ҳамда субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган шахслардир.

Ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий муносабатларга киришганида, ҳуқуқий муносабат субъектига айланиши мумкин. Лекин ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган ҳуқуқ субъектлари ўзларининг олдинги ҳолатини йўқотмайди. Ҳуқуқ субъектлари бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда, ҳуқуқ субъекти ҳуқуқий муносабат субъектига қараганда кенгроқ тушунчадир.

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари иккига бўлинади: индивидуал субъектлар ва жамоа субъектлар.

*Индивидуал субъектлар* - фуқаролар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиб, улар ижро ҳокимияти ва оммавий бошқарув органлари билан қатъий ва доимий ташкилий алоқаларда бўлмайди. Фуқаролар, масалан, қандайдир ҳаракатни содир этиш зарурати билан уларга юклатилган мажбуриятларни бажариш, тегишли давлат органининг рухсатини (лицензия) олиш, ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни бузадиган ижро ҳокимияти органларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш орқали маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

*Жамоа субъектлари* – бу инсонлар грухси бўлиб, ташки муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этадилар; уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда жамоа субъектлари ўз номларидан ҳаракат қиласидилар;

қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда уларнинг хуқуқлари ва маълум бир мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Маъмурий хуқуқ лаёқати – бу субъект томонидан у учун ўрнатилган хуқуқлар, эркинликлардан фойдаланиш, шунингдек, мажбуриятларни бажариш, ваколатларни амалга ошириш қобилиятидир. Маъмурий хуқуқ субъектининг маъмурий хуқуқ лаёқати унинг маъмурий хуқуқий ҳолатини амалга ошириш учун хизмат қиласди. Бошқача айтганда, хуқуқ лаёқати - тегишли шароитлар мавжуд бўлганида хуқуқ субъектини хуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланувчи, мажбуриятлар юклаш ҳамда юридик жавобгарликка тортиш мумкин бўлган шахс сифатида намоён қиласди.

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маъмурий-хуқуқий ҳолатининг тушунчаси.** Маъмурий хуқуқнинг асосий субъектларидан бири - бу фуқаролардир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар - маъмурий-хуқуқий муносабатларга киришиб, маълум бир субъектив хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги (маъмурий-хуқуқий муносабатлардаги) хуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлигининг йифиндиси - фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий ҳолатини ташкил этади. Бу муносабатлар фуқароларнинг маъмурий хуқуқнинг бошқа субъектлари билан, масалан, давлат ҳокимияти органлари билан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан ўзаро алоқаси натижасида вужудга келади.

Фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик хуқуқ ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади. Жумладан, фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятлари: а) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан; б) қонунда хуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан; в) қонун йўл қўядиган асосларда молмулк олиш натижасида; г) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиrolар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида; д) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида; е) фуқароларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида вужудга келиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий ҳолати конституциявий ва маъмурий хуқуқ нормалари билан тартибга солинган – фуқаро хуқуқий ҳолатининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий муносабатлардаги хуқуқ ва мажбуриятлари – уларнинг конституциявий хуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади ҳамда маъмурий-хуқуқий актларда ўз ифодасини топади.

Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган хуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш хуқуқини ҳам ўз хошишларига кўра тасарруф этадилар. Фуқаролар ўз хуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу хуқуқларнинг

бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга ошириши билан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий принциплари ва ахлоқий нормаларини хурмат қилишлари лозим. Фуқароларнинг бошқа шахсга зарар етказишига, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишига, шунингдек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини амалга оширишда – фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқатига эга бўлиши, катта аҳамиятга эгадир.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан вужудга келади. Маъмурий ҳуқуқ лаёқати - фуқаронинг туғилиши билан қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишни англатади.

Ҳуқуқ лаёқати инсон шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни чеклаш ёки ундан маҳрум этилиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан, маъмурий ҳуқуқ лаёқати - қонунда белгиланган тартибда фақатгина суд томонидан чекланиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати унинг вафот этиши билан бекор бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати маъмурий ҳуқуқ лаёқатидан фарқ қилган ҳолда, маълум бир ёшдан вужудга келади. Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати - бу фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ва амалга оширишлари тушунилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати 16 ёшдан қисман вужудга келади. Масалан, 16 ёшга тўлган фуқаролар паспорт олишга мажбурдирлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарликлар асосан давлат бошқаруви жараёнида содир этилади.

Фуқаролар 18 ёшга тўлганда тўла маъмурий муомала лаёқатига эга бўладилар, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида қўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари мумкин. Масалан, Ватанни ҳимоя қилиш бурчи ёки сайлаш ҳуқуки 18 ёшдан вужудга келади.

## СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмуни ва таркиби.
- Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи.
- Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати.
- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.
- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.
- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

### **1 - топширик**

Маъмурий-хуқуқий нормалар мазмуни ва таркибини очиб беринг.

- *Маъмурий-хуқуқий нормаларга мисоллар келтиринг.*
- *Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракати доирасига мисоллар келтиринг.*

### **2 – топширик**

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятларини очиб беринг.

- *Маъмурий-хуқуқий муносабатларга мисоллар келтиринг.*
- *Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига мисоллар келтиринг.*

## **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маъruzаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маъruzаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).
- 3) Алимов Х.Р., Соловьев Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
- 4) Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий хуқук. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
- 5) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
- 6) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий хуқук: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши тингловчилари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
- 7) Erkin Xoじиев, To'qin Xoじиев. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 b.
- 8) Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiyo tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
- 9) F.Хакимов. “Маъмурий хуқук” фанидан ўкув-услубий мажмуя. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

## **8-мавзу Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари ва усуллари.**

1. Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Давлат бошқаруви актлари.
3. Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар.
4. Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий усуллари мазмuni ва турлари.
5. Ишонтириш – маъмурий-хуқуқий усул сифатида. Давлат мажбурлови – маъмурий-хуқуқий усул сифатида.

### **МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:**

#### **Маърузанинг асосий мақсади:**

Маърузада “Конституциявий ва маъмурий ҳукуқ назарияси ва амалиёти” модулининг 8-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари. Давлат бошқаруви актлари. Маъмурий-хуқуқий шартномалар. Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар. Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий усуллари мазмuni ва турлари. Ишонтириш – маъмурий-хуқуқий усул сифатида. Давлат мажбурлови – маъмурий-хуқуқий усул сифатида.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва тингловчиларда мазкур мавзу ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шаклларига оид мавжуд қонунчилигимиз таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

#### **Маъруза натижасида тингловчилар:**

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари ва усуллари тўғрисида кўникмага эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари ва усулларига оид ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади;

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:**

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмuni ҳақида тушунча берилади;

- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив хужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари ва усуллари тушунтирилади;
- ✓ Давлат бошқарувига оид олимларнинг илмий қарашлари ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшигилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маъruzага якун ясалади.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Бошқарув шакли** давлат органи, унинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахслар фаолиятининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бошқарувнинг шакли – аниқ субъектлар томонидан амалга ошириладиган маълум бир ҳаракатларда ифодаланиб, бошқарув фаолиятининг, бошқарув таъсирининг мазмунини ёритиб беради. Бошқарув шакллари хуқуқий мазмунга эга, яъни норматив хуқуқий акт орқали ўрнатилади. Баъзи ҳолларда бошқарув шакллари норматив ўрнатилмаган бўлиши ҳам мумкин ва буларни бошқарувнинг хуқуқий шакллари жумласига киритиш мумкин эмас.
- **Хуқуқий шакллар** – ҳамма вақт маълум бир юридик оқибатларни вужудга келтирадиган ҳаракатлар. Бу хуқуқий оқибатларни бевосита келтириб чиқарувчи ижро ҳокимияти субъектларининг ҳар қандай ҳаракатлари ҳисобланади. Бундай ҳаракатларда юридик ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Мазкур гурухга кирувчи ҳаракатларнинг хусусиятлари – бошқарувнинг хуқуқий актларида яққол намоён бўлади;
- **Ноҳуқуқий шакллар** – ушбу шакллар бошқарувнинг хуқуқий актларини қабул қилишни назарда тутмаганлиги сабабли, юридик оқибатларни тўғридан-тўғри вужудга келтирмайди. Улар хуқуқий шаклларга хос бўлган - маъмурий-хуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Ноҳуқуқий шакллар хуқуқий шаклларни кўллашга ёки уларни кейинчалик амалга оширилишига кўмаклашувчи турли хилдаги ташкилий ҳаракатлар ҳисобланади.
- **Бошқарувнинг хуқуқий актлари деганда** – ижро ҳокимияти субъектларининг бир томонлама ҳокимият қўрсатмаларини ифодалаш, юридик оқибатларни вужудга келтириш ва бажарилиши мажбурий бўлган актлар тушунилади.

- **Бошқарув акти** – бу бошқарув қарорларининг ҳуқуқий кўриниши бўлиб, маъмурий ҳуқуқнинг тегишли субъекти (ижро ҳокимияти органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда эркни ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга бўлган ва ижро ҳокимияти соҳасида вазифа ва функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартериш ва бекор қилишга қаратилган актдир.
- **Маъмурий-ҳуқуқий шартнома** – бу маъмурий-процессуал жараённинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга. Амалдаги қонунчиликда унинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.
- **Бошқарув усули** – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадлариغا эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар ҳисобланади.
- **Маъмурий усуллар** - бошқарув субъектининг обьектга (фуқароларга, юридик шахслар, давлат хизматчилари) бир томонлама тартибда давлат-ҳокимият таъсирини кўрсатиши орқали ифодаланади.
- **Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов** – бу ҳуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуққа хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган мажбуров чораларининг қўлланишидир.
- **Маъмурий огоҳлантирув чоралари** – мажбурийлик хусусиятига эга бўлган чоралар бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳамда бошқа заарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш мақсадида қўлланилади.
- **Маъмурий чеклов чоралари** – ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тугатиш (тўхтатиш) ва унинг заарли оқибатларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Бу чоралар, маъмурий огоҳлантирув чоралари сингари, турли кўринишларга эга бўлиб, давлат бошқарувининг турли соҳаларида ижро ҳокимияти субъектлари томонидан қўлланилади.
- **Маъмурий қайта тиклов чоралари** - етказилган заарни қоплаш, олдинги ҳолатни тиклаш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли бу чораларнинг тури ва ҳажми кўп жиҳатдан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат орқали етказилган заар ҳажми ва хусусиятига боғлиқ бўлади. Масалан, қайта тиклов чораларига, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва бошқа обьектларни бузиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган турар жойдан мажбурий чиқариш, ташкилотдан қонунга зид равишда олинган мол-мulkни олиб қўйиш, бокимандани, пеняни ундириш ва ҳ.к.лар киради.

## **МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:**

**Маъмурий ҳуқуқий шакллар тушунчаси.** Шакл – бу бу маълум бир ҳодаси ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўринишидир. Масалан, таълим жараёни – маърузалар ёки амалий машғулотларни олиб бориш (яъни таълим шакллари) орқали намоён бўлади.

Ҳар қандай фаолият сингари давлат бошқаруви фаолияти ҳам, маълум бир шаклларда ифодаланади. Давлат бошқаруви шундай жараёнки, унда қўпгина шахслар, ташкилот ва органлар иштирок этади. Бу жараёнда ижро ҳокимияти органларининг (бошқарув фаолияти асосий субъектининг) вазифалари, функциялари ва ваколатлари амалга оширилганлиги сабабли, биринчи навбатда мазкур ҳокимият субъектлари фаолияти шакллари муаммоси вужудга келади. Ушбу фаолиятнинг шаклларини аниqlаш орқали давлат-бошқарув фаолиятининг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин.

Бошқарув шакли давлат органи, унинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахслар фаолиятининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бошқарувнинг шакли – аниқ субъектлар томонидан амалга ошириладиган маълум бир ҳаракатларда ифодаланиб, бошқарув фаолиятининг, бошқарув таъсирининг мазмунини ёритиб беради. Бошқарув шакллари ҳуқуқий мазмунга эга, яъни норматив ҳуқуқий акт орқали ўрнатилади. Баъзи ҳолларда бошқарув шакллари норматив ўрнатилмаган бўлиши ҳам мумкин ва буларни бошқарувнинг ҳуқуқий шакллари жумласига киритиш мумкин эмас.

Бошқарув шакллари:

- а) ижро ҳокимиятини амалга ошириш шакллари;
- б) ички аппарат хусусиятидаги фаолият шакллари сифатида намоён бўлади.

Бошқарув шаклларининг мазмун-моҳиятини очиб беришда “бошқарувнинг мақсади”, “бошқарув функциялари”, “бошқарув вазифалари”, “ваколат, “компетенция” сингари терминларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Мазкур тушунчалар аниқ бир бошқарув соҳасида бошқарув услубини танлашда ҳам хизмат қиласи. Бошқарув функциялари - бошқарув фаолиятининг мазмунини белгилаб беради. Бошқарув мақсадига - бошқарув субъектлари томонидан фойдаланиладиган барча бошқарув шакллари бўйсиндирилган. Бошқарув органлари бошқарув шакллари орқали ўзларининг ваколатларини, компетенциясини амалга оширади.

Бошқарувнинг мақсадига эришиш учун бошқарув шакллари – бошқарув функцияларини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

**Маъмурий ҳуқуқий шаклларнинг турлари.** Давлат бошқаруви фаолиятининг ташқи кўринишлари турли хил бўлганлиги сабабли, уни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Бошқарув фаолиятининг (бошқарув ҳаракатларининг) асосий икки шаклини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) бошқарув фаолиятининг (бошқарув ҳаракатларининг) ҳуқуқий шакллари, яъни маълум бир юридик мазмунга эга бўлган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган шакллар. Мазкур шакллар бошқарув

органлари фаолиятининг асосий шакллари бўлиб, давлат вазифа ва функцияларини мақсадга мувофиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлайди. Хуқуқий шакллар ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

- а) хуқуқий (норматив ва индивидуал) актларни қабул қилиш;
  - б) маъмурий хуқуқий шартномаларни тузиш;
  - в) юридик аҳамиятли бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- 2) бошқарув фаолиятининг (бошқарув ҳаракатларининг) ноҳуқуқий шакллари, яъни бошқарувнинг хуқуқий шаклларига асосланувчи ва уларнинг амалга оширилишига хизмат қилувчи шакллар бўлиб, ташкилий ва моддий-техник тадбирлар орқали намоён бўлади.

#### **Бошқарувнинг хуқуқий актлари тушунчаси ва юридик аҳамияти.**

Маъмурий хуқуқ назариясида бошқарув хуқуқий акти институти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг энг муҳим функциялари амалга оширилади. Тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари, қоида бўйича, норматив ёки норматив бўлмаган хуқуқий актлар кўринишида расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг хуқуқий актлари оммавий бошқарув олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун бошқарув ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим хуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Хуқуқий актлар – бошқарув қарорларининг юридик кўриниши бўлиб ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органи (mansabdar shaxs) ваколат доирасида хуқуқий акт қабул қилиш орқали умумий (норматив) ёки индивидуал (якка, маъмурий) аҳамиятдаги масалаларни ҳал этади.

Хуқуқий акт – ижро ҳокимияти субъектининг бир томонлама юридик ҳокимият иродасини намоён этиб, биринчидан, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият табиатини ифодалайди; иккинчидан, унинг ёрдамида ижро ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари амалга оширилади.

Бошқарув акти – бу бошқарув қарорларининг хуқуқий кўриниши бўлиб, маъмурий хуқуқнинг тегишли субъекти (ижро ҳокимияти органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда эркни ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга бўлган ва ижро ҳокимияти соҳасида вазифа ва функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маъмурий-хуқуқий нормаларни ўрнатиш ҳамда маъмурий-хуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган актдир.

Бошқарув хуқуқий актларининг таснифи. Бошқарув актларининг таснифи нафақат хуқуқий актлар институтининг мазмун-моҳиятини ёритиб беришда, балки бошқарув актларини амалда қўллаш, уларни излаш ва улар билан ишлаш жараёнида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Хуқуқшунос олимларининг аксарияти бошқарув хуқуқий актларини юридик хусусиятлари (мазмуни)га кўра икки гуруҳга бўлади:

- 1) норматив хуқуқий актлар.

Норматив хуқуқий акт – бу давлатнинг ваколатли органи томонидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий

тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи хукуқ ижодкорлиги актидир.

## 2) Индивидуал хукуқий актлар.

Бошқарувнинг индивидуал хукуқий актлари, норматив хукуқий актлардан фарқ қилган ҳолда, хукуқни қўллаш (ижро этиш) актлари бўлиб ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, улар, фармойиш берувчи актлар ҳисобланиб, ижро ҳокимияти субъектларининг аниқ ва тўғри юридик ҳокимият иродасини ифодалайди. Улар ўзида белгиланмаган доирадаги субъектларга умумажбурий бўлган хукуқ нормаларини ифода этмайди.

Бошқарувнинг индивидуал актлари аниқ бир шахсларнинг хукуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актлардир.

Бошқарувнинг индивидуал хукуқий актлари ёрдамида якка тартибдаги маъмурий ишлар ҳал қилинади (масалан, рўйхатга олиш, лицензия бериш ва х.к.лар).

Индивидуал актлар ҳамма вақт аниқ шахсга (адресатга) қаратилган бўлади. Масалан, бирон бир шахсни давлат хизматининг у ёки бу лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ аниқ шахс учун хукуқий муносабатларни вужудга келтиради.

**Маъмурий-хукуқий шартномалар тушунчаси.** Бошқарув фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишнинг хукуқий шаклларидан бири – бу маъмурий-хукуқий шартномаларни тузиш ҳисобланади. Ҳозирги қайта қуришлар жараёнида маъмурий-хукуқий шартномаларнинг аҳамияти – ижтимоий муносабатларни тартибга солишда оммавий хукуқнинг, шунингдек, оммавий-хукуқий муносабатларда шартномалар ролининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Оммавий-хукуқий нормаларнинг ўрнатилиши нафақат ижро ҳокимияти соҳасида интизом ва жавобгарликни кучайтиришга, балки шартнома воситаларини қўллаш орқали бошқарув вазифаларини ҳал этишининг хукуқий механизмларини яратишга йўналтирилгандир.

Маълумки, хусусий хукуқ соҳасида шартнома субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи одатий восита сифатида намоён бўлади. Бу муносабатлар, қоида бўйича, фуқаролик хукуқи нормалари билан тартибга солинади ҳамда унинг иштирокчилари teng хукуқларга эга бўлади.

Оммавий-хукуқий тартибга солиш эса, норматив ва императив хусусиятдаги кўрсатмалар воситасида амалга оширилади. У умумий мақсадларга эришиш ва оммавий манфаатларни қондириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг иродаси ва хулқ-атвори (юриш-туриши)га ҳокимият-бошқарув таъсирини кўрсатади.

Оммавий хукуқда хукуқий тартибга солишнинг алоҳида усули ҳисобланган – шартномалардан ҳам фойдаланилади. Оммавий-хукуқий соҳада шартномалар, оммавий манфаатларни қондириш мақсадида, бошқарув функцияларини (масалан, мувофиқлаштириш, бўйсинув, ташкил этиш, тақсимлашни) ўз зиммасига олади.

Маъмурий-хукуқий шартномалар муаммосига нафақат моддий маъмурий-хукуқий нормалар, яъни муносабат иштирокчилари, уларнинг хукуқлари,

мажбуриятлари ва жавобгарлигини, ижро этиш тартибини ўрнатувчи нормалар орқали, балки унга маъмурий-процессуал хукуқ нуқтаи назаридан ҳам ёндошиш лозим бўлади.

Маъмурий-хукуқий шартномалар жараёни – бошқарувнинг маълум бир кўриниши сифатида, маъмурий жараён тузилишига киради.

Демак, маъмурий-хукуқий шартнома – бу маъмурий-процессуал жараённинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга. Амалдаги қонунчиликда унинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикада маъмурий-хукуқий шартномаларнинг долзарблиги ва аҳамияти - мамлакатнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши, қаттиқ марказлаштириш ва режали тақсимлашдан воз кечиш билан белгиланади.

Маъмурий-хукуқий шартномалар:

биринчидан, оммавий шартномаларнинг бир тури бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади;

иккинчидан, маъмурий-хукуқий шартномада унинг доимий иштирокчиси ҳисобланган ҳамда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органлари ва тартибга солиш функциясига эга бўлмаган турли субъектлар (масалан, нодавлат корхона ва ташкилотлар, фуқаролар) иштирок этади;

учинчидан, маъмурий-хукуқий шартномаларни тузишнинг асосий талаблари сифатида қуидагилар назарда тутилади:

а) жамият ва давлат (оммавий) манфаатларини қондириш;

б) маълум бир бошқарув вазифалари ва функцияларни амалга оширишнинг маъмурий тартибини ўрнатиш;

в) бошқарув органлари томонидан назоратнинг амалга оширилиши;

г) мажбуриятларни ўз зиммасига олган иккинчи томоннинг ўз мажбуриятларини бажармагани ёки лозим даражада бажармаганида, давлат органи (mansabdar shaxs)нинг шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш имкониятига эга бўлиши;

д) вужудга келган низоларни маъмурий юрисдикция органларида ва судда ҳал этиш имкониятининг ўрнатилиши ва ҳ.к.лар.

Маъмурий-хукуқий шартномалар муаммосига бағишлиланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар, уларнинг фақатгина ваколатларнинг тақсимланиши, уларнинг юқоридан қўйига берилиши, маълум бир соҳаларда турли субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ресурслардан фойдаланиш мақсадида уларни бирлаштириш билан боғлиқ бўлган горизонтал муносабатларда ифодаланишини кўрсатиб ўтишади.

Баъзи хукуқшунос олимлари, маъмурий-хукуқий шартномаларга ички ишлар органларининг ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида мулкни ҳимоялаш бўйича ёки бошқарув тузилмаларининг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълум бир мол-мулкни сотиб олиш бўйича тузиладиган шартномаларни киритади.

Лекин мазкур шартномалар ижро ҳокимиятини амалга оширишнинг хуқуқий шакллариiga ҳеч қандай алоқаси йўқдир, чунки бунда бошқарув субъекти юридик-ҳокимият ваколатидан фойдаланмаган. Шу сабабли, бундай шартномалар маъмурий-хуқуқий эмас, балки фуқаролик-хуқуқий шартномаларидир.

Ижро ҳокимияти соҳасида ваколатларни тақсимлаш ёки давлат органлари томонидан бир-бирига ваколатларнинг берилиши, турли масалаларни ҳал этишда мувофиқлаштириш ёки ўзаро муносабатлар бўйича тузилган шартномалар – маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг айrim элементлари (хусусиятлари)ни ўзида ифода этади. Лекин улар маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг мазмун-моҳиятига тўла мос келмайди.

**Маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари.** Маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг мазмуни уларнинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Юридик адабиётларда берилган тушунчаларга таяниб, маъмурий-хуқуқий шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1) маъмурий-хуқуқий шартномаларга маҳсус мажбуриятлар (шартлар)ни назарда тутадиган ва оддий фуқаролик-хуқуқий шартномалар доирасидан ташқари чиқадиган шартномаларни киритиш мумкин.

Мазкур шартномаларда давлат ва жамият манфаатларини қондиришни назарда тутган давлат вазифаларини амалга ошириш ифодаланади.

Бугунги кунда, ижро ҳокимияти органларининг маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олиш тўғрисида қабул қилган қарорларини – хуқуқий акт сифатида тан олиш ҳамда унинг мажбурийлигини қонунчиликда ўрнатиш зарурати вужудга келди. Бундай қарорларнинг мажбурий ижро этилиши, давлат бюджети маблағларидан тегишли органлар орқали таъминланиши лозим.

Маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг мажбурий шартлари иккинчи иштирокчи томонидан бажарилмаганлиги – мазкур шартномаларда кўрсатиб ўтилган иқтисодий санкцияларни ҳаракатга келтириши, шунингдек, ижро ҳокимияти органи томонидан шартноманинг бир томонлама тартибда бекор қилинишига олиб келиши лозим;

2) маъмурий-хуқуқий шартномаларга – давлат хизмати бўйича тузилган шартномаларни киритиш лозим.

Давлат хизмати тўғрисидаги шартномаларда ижтимоий эҳтиёжларни ва фуқароларнинг манфаатларини қондириш, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича ваколатлар ва функцияларнинг ижро ҳокимияти органларидан хўжалик бирлашмаларига ва бошқа шахсларга ўтказилиши назарда тутилади;

3) маъмурий-хуқуқий шартномалар ижро ҳокимияти органларининг контрол-назорат ваколатларини, шунингдек, шартнома муносабатларига кирувчи иккинчи томонга нисбатан иқтисодий санкцияларни қўллаш мумкинлигини назарда тутади;

4) маъмурий-хуқуқий шартномаларга ижро ҳокимияти органларининг турли хилдаги маҳсулотларни етказиб берувчи корхоналар билан тузган

шартномаларини ҳам киритиш мумкин. Лекин бунда корхоналарнинг солиқ соҳасида, кредит олишда, маълум бир бюджет маблағларидан фойдаланишда имтиёзларга эга бўлиши назарда тутилиши лозим;

5) ижро ҳокимияти соҳасида ваколатларни тақсимлаш ва қуига бериш бўйича тузилган ҳамда ўз ваколатларини берувчи юқори ижро ҳокимияти органининг бевосита назорати остида ва шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томоннинг жавобгарлиги назарда тутилган шартномаларни – маъмурий-ҳуқуқий шартномаларга киритиш мумкин;

6) маъмурий-ҳуқуқий шартномаларни ҳуқуқий тартиби қуидагиларни инобатга олиши лозим:

а) маъмурий-ҳуқуқий шартномалар компетенция доирасида ижро ҳокимияти органлари томонидан ёки бундай шартномаларни тузиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс (бошқарув органи раҳбари ёки маҳсус ишончнома асосида бошқа мансабдор шахс) томонидан тузилиши мумкин. Агар, шартноманинг иштирокчиси сифатида коллегиал орган намоён бўлса, шартнома тузилгандан сўнг, у ваколатли орган мансабдор шахси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим;

б) шартнома муносабатлари иштирокчиларининг бири томонидан мажбуриятларининг бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмаганида, ижро ҳокимияти органи томонидан шартноманинг бир томонлама тартибда бекор қилиши ва айбдор томонга нисбатан мазкур шартномада назарда тутилган иқтисодий ва бошқа санкцияларни қўллаш ваколатига эга бўлиши лозим;

в) ижро ҳокимияти органи шартнома муносабатларига киришганида, унинг ижро этилишини назорат қилиш, барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиши, шартнома субъектларининг фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлиши керак. Назоратни амалга ошириш тартиби ва услублари шартноманинг ўзида назарда тутилиши лозим;

г) ижро ҳокимияти органи назарда тутилмаган ҳолатларнинг вужудга келиши билан шартномани бир томонлама тартибда, унинг молиявий ва бошқа муҳим шартларини бузмаган ҳолда, ўзгартириш имкониятига эга бўлиши керак. Мазкур шартнома бўйича вужудга келадиган барча низолар маъмурий ва суд тартибида ҳал қилиниши лозим;

д) шартнома муносабатлари субъектлари устидан шикоят қилиш ва прокурорнинг мазкур шартнома ва унинг ижроси устидан протести – маъмурий судлар томонидан, уларнинг ташкил этилишига қадар эса, тегишли судлар (масалан, хўжалик судлари) томонидан кўриб чиқилиши лозим;

7) шартномаларни тузиш ва ижро этишда, белгиланган доирада, фуқаролик қонунчилиги билан ўрнатилган шартномаларнинг умумий талабларидан фойдаланиш лозим. Масалан, шартнома шакли; шартномаларда ўрнатиладиган муддатлар; шартнома иштирокчилари ва уларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати; шартномаларни ижро этиш; шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш; шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик; шартнома шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш ва ҳ.к.лар.

Юридик адабиётларда маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг турли кўринишлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан:

1) юридик хусусиятларига кўра: а) хуқуқни ўрнатувчи шартномалар (масалан, норматив тусдаги шартномалар; ахборот алмашинуви тўғрисидаги шартнома); б) хуқуқни қўлловчи шартномалар (масалан, юридик фактлар сифатидаги шартномалар);

2) шартнома предметига кўра: а) компетенция бўйича шартномалар; б) ўзаро ҳамкорлик (биргаликдаги фаолият) бўйича шартномалар; в) фуқаронинг давлат хизматига кириши бўйича шартномалар;

3) субъектларнинг ўзаро муносабатларига кўра: а) бир-бирига нисбатан контрол-назорат ёки бошқа маҳсус ваколатларга эга бўлмаган субъектлар ўртасидаги шартномалар; б) бир субъектнинг иккинчи субъектга қараганда маҳсус ваколатга эга бўлган иштирокчилар ўртасидаги шартномалар.

**Бошқарувнинг ноҳуқуқий шакллари тушунчаси ва турлари.** Бошқарув фаолиятида ижро ҳокимияти органлари ёки мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатларни ҳам хуқуқий актларни қабул қилиш ёки маъмурий-хуқуқий шартномаларни тузишга (яъни хуқуқий шаклларга) киритиш мумкин эмас. Бошқарув фаолиятида амалга ошириладиган кўпдан-кўп ҳаракатлар (ноҳуқуқий шакллар) мавжудки, улар хуқуқий шаклларнинг амалга оширилишида хизмат қиласди.

Бошқарув фаолиятининг ноҳуқуқий шакллари – ижро ҳокимияти органларининг давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ эмас. Бундай шаклларни қўллаш юридик оқибатларни келтириб чиқармайди, маъмурий-хуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди ёки уларни ўзгартирмайди. Шу сабабли ҳам, бу шакллар “ноҳуқуқий” деб аталади. Ноҳуқуқий шакл – хуқуқقا (қонунга) хилоф шакл дегани эмас, балки бирон бир хуқуқий оқибатни келтириб чиқармайдиган шакллардир.

Бошқарув фаолияти (ҳаракатлари)нинг ноҳуқуқий шакллари:

1) ташкилий ҳаракатлар ёки тадбирларни амалга ошириш (масалан, мажлислар ўтказиш, илфор ва намунали тажрибани, бошқарувнинг салбий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш); услубий кўрсатмаларни тайёрлаш; жойларда ижро чиларга кўмаклашиш ва бошқалардан иборат.

Ташкилий ҳаракатлар ёки тадбирлар бошқарув фаолияти жараёнида қўлланилиб, хуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди, ўзгартирмайди ёки бекор қиласди. Улар бошқарув функцияларини амалга оширмайди.

2) моддий-техник ҳаракатлар, яъни давлат-хизмат фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган ва иш юритиш, рўйхатга олиш, расмийлаштириш, хужжатлар, маълумотлар, материалларни қўпайтириш ва юбориш, ахборотлар билан ишлаш, аналитик ҳисобни юритиш, моддий-техник таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқарув фаолиятининг шакллари.

Бошқарув фаолиятининг бу шаклини амалга ошириш нафақат ходимларнинг юқори тайёргарликка эга бўлишига, балки давлат бошқаруви органларининг маълум бир техника билан жиҳозланганлигига ҳам боғлиқдир.

Давлат бошқаруви усуслари тушунчаси ва хусусиятлари. Бошқарув шакли (ижро ҳокимияти ёки бошқарув ҳаракатлари шакли) масаласи билан

танишиб чиқиши, бошқа хуқуқий ҳодисанинг – бошқарув усуларини ҳам аниқлаш лозимлигини кўрсатади. Усул - бу амалий фаолиятнинг усули, воситаси ҳисобланади. Бошқарув шакллари ва бошқарув усуларини бир-биридан ажратмаган ҳолда кўриб чиқиши лозим.

Маъмурий хуқуқнинг тартибга солиш усули ва маъмурий хуқуқий (бошқарув) усуллар, номланиши жиҳатидан бир-бирига жуда яқин туради. Лекин бу ҳолат уларнинг фақатгина ташқи кўринишидан яқинлигини кўрсатади. Тартибга солиш усули – маъмурий хуқуқнинг асосий функцияси бўлиб, бошқарув муносабатларини хуқуқий тартибга солувчи восита ҳисобланади. Давлат бошқаруви усули эса, бошқарув субъектлари (ижро ҳокимияти органлари) олдида турган барча вазифаларни, шу жумладан тартибга солишни ҳам, амалий ҳал этиш воситаси ҳисобланади.

Давлат бошқаруви усули – маъмурий хуқуқ ҳар қандай субъективнинг эмас, балки маълум бир соҳада бошқарувни (ижро ҳокимиятини) амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектнинг функцияси ҳисобланади.

**Бошқарув усули** – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган хуқуқий воситалар ҳисобланади

Давлат бошқаруви усулларининг турлари. Юридик адабиётларда, давлат бошқаруви тизимидағи таъсир кўрсатишнинг икки асосий (универсал) усули: ишонтириш ва мажбурлаш усуллари кўриб чиқилади. Амалиётда бу усуллар турли кўринишларда намоён бўлади.

Ишонтириш - бошқарув усули сифатида, тушунтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш ва бошқа ахлоқий аҳамиятга эга бўлган чораларни амалга ошириш орқали исонларга таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Рағбатлантириш, масалан, давлат бошқаруви соҳасида ижро ҳокимиятининг фуқаролар, юридик шахслар, хуқуқий муносабатлар турли субъектлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида қонунийлик ва интизомни таъминлашга хизмат қиласди.

Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларига эришиш мажбурлаш хусусиятидаги чоралар ёрдамида ҳам таъминланиши мумкин. Бу ҳолатда, бошқарув обьекти, норматив хуқуқий актларда кўрсатиб ўтилган тартибда ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Агар, шахсларнинг ҳаракати хуқуқий актларнинг талабларига мос келмаса, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар мажбурлов чораларини қўллаш хуқуқига эга бўлади. Баъзи вақтларда бу чоралар хуқуқий тартиботни, жамоат тартибини, ҳаракатларни амалга оширишнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи чоралар сифатида намоён бўлади.

Айрим ҳолларда эса, мажбурлов чоралари хуқуқбузарликни (ножӯя хатти-ҳаракатни) содир этган шахсни жазолашга қаратилган бўлади. Бу – интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий хусусиятдаги чоралар сифатида намоён бўлади.

Мажбурлов чоралари шахснинг қонунга хилоф хулқини чеклашга, шунингдек, турли ижтимоий муносабатлардаги қонуний тартибни қайта тиклашга қаратилади.

Бошқарув усуллари маъмурий (тўғри) ва иқтисодий (тартибга солувчи) усулларга бўлинади.

Маъмурий усуллар - бошқарув субъектининг обьектга (фуқароларга, юридик шахслар, давлат хизматчиларига) бир томонлама тартибда давлат-ҳокимият таъсирини кўрсатиши орқали ифодаланади.

Ишонтириш – бошқарув усули сифатида. Ишонтириш – давлат бошқарувини амалга оширишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, шахсларнинг намунали иродасини шакллантириш ёки қайта шакллантириш мақсадида турли хилдаги тушунтириш, тарбиялаш, ташкил этиш ишларини олиб боришда намоён бўлади. Ишонтириш - бошқарув субъектларининг ҳуқуқий актларда ифодаланган талабларининг шахслар томонидан ихтиёрий амалга оширилишида ифодаланади. Бошқарувнинг бу усули ёрдамида, қонун чиқарувчи (ҳуқук ўрнатувчи) ва фуқаролар иродасининг бирлигига эришилади. Ишонтириш – бу маълум бир кетма-кетликда амалга ошириладиган ҳаракатлар жараёни бўлиб, эътибор, ички ишонч, шахснинг онгига таъсир этиш, манфаатни шакллантириш каби элементларни ўз ичига олади. Фуқаролар, бошқарув ҳокимияти мақсад ва вазифалари мазмуни тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилганида, уларнинг талабларига риоя қиласидар ва қўллаб-куватлайдилар, шунингдек, уларни амалга оширишга онгли ва фаол иштирок этадилар.

Рағбатлантириш тушунчаси ва унинг турлари. Бошқарувнинг самарали усулларидан яна бири – бу рағбатлантиришдир. Рағбатлантириш – манфаатдорлик, онг орқали инсонларнинг иродасини белгиланган фойдали ишни бажаришга йўналтирувчи таъсир этиш усулидир. Рағбатлантириш маълум бир ишларнинг бажарилишига, моддий ва ахлоқий манфаатдорликнинг вужудга келишига олиб келади.

Хозирги вақтда, бошқарувнинг рағбатлантириш усулини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар (қонунчилик) шаклланган бўлиб, ривожланиш жараёнидадир. Бунга конституциявий, маъмурий, меҳнат ва бошқа ҳуқук нормаларини киритишимиш мумкин. Ҳуқуқий тартибга солинган рағбатлантириш, А.В.Мальконинг фикрича, бу - ихтиёрий, мақсадга мувофиқ ва хурматга сазовор хулқ-атворни маъқуллашнинг юридик шакли ва чораси бўлиб, уни амалга ошириш натижасида субъект мукофотланади (яъни унга нисбатан фойдали оқибатлар вужудга келади).

Амалдаги ҳуқуқий нормалар ёрдамида рағбатлантириш чоралари; уни қўллаш асослари; ҳокимият субъектининг рағбатлантириш бўйича ваколати; рағбатлантириш тартиби мустаҳкамланган.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов мазмuni ва хусусиятлари. Маъмурий ҳуқук нормалари - бошқарув жараёнида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида, кенг доирадаги мажбурлов таъсири чораларини мустаҳкамлайди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур мажбурлов чоралари нафақат маъмурий-ҳуқуқий нормаларни, балки амалга оширилиши ижро ҳокимияти субъектлари томонидан таъминланадиган фуқаролик, меҳнат, ер ва бошқа ҳуқук тармоқларининг нормаларини ҳам муҳофаза қиласиди.

Юридик адабиётларда “маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов” ва “маъмурий ҳуқук нормалари билан ўрнатиладиган мажбурлов чоралари” тушунчалари

фарқланади. Маъмурий қонунчилик - маъмурий-хуқуқий, интизомий-хуқуқий, ижтимоий-хуқуқий мажбурлов чораларини ўрнатади.

Маъмурий-хуқуқий мажбурлов тўла ҳажмда, интизомий мажбурлов чоралари эса, қисман маъмурий хуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бундан ташқари, маъмурий хуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган интизомий мажбурлов чораларини ва интизомий жавобгарлик чораларини фарқлаш мумкин.

Маъмурий-хуқуқий мажбурлов – бу хуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, хуқуққа хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий хуқуқ нормаларида назарда тутилган мажбурлов чораларининг қўлланилишидир. Маъмурий-хуқуқий мажбурлов - хуқуқий тартиботни ҳимоя қилишда, шунингдек, хуқуқбузарликларга қарши курашишда катта аҳамиятга эгadir. Бу шу билан изоҳланадики, ички ишлар органлари, давлат инспекциялари ва бошқа ижро ҳокимияти субъектлари тегишли тартиб ва қоидаларга риоя этилиши устидан доимо назоратни олиб бориб, уларнинг ҳар қандай бузилишига дарҳол таъсир қўрсатишлари мумкин. Маъмурий-хуқуқий мажбурлов - жамият тартибига тажовуз қилувчи қилмишни тўхтатиш ва унга барҳам беришни, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликни назарда тутувчи кўпгина чеклов (эҳтиёт) воситаларини ҳам ўз ичига олади.

## **СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:**

- Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари.
- Давлат бошқаруви актлари.
- Маъмурий-хуқуқий шартномалар.
- Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар.
- Давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий усуллари мазмуни ва турлари.
- Ишонтириш – маъмурий-хуқуқий усул сифатида.
- Давлат мажбурлови – маъмурий-хуқуқий усул сифатида.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:**

### **1 - топширик**

Маъмурий-хуқуқий шартномага мисол келтиринг.

- *Ушибу шартнома маъмурий-хуқуқий шартноманинг қайси турига оид?*
- *Маъмурий-хуқуқий шартноманинг яна қандай турлари мавжуд?*

## **2 - топшириқ**


Маъмурий-хуқуқий мажбурлов чорасига мисол келтиринг.

- *Ушбу чора маъмурий-хуқуқий мажбурловнинг қайси турига оид?*
- *Маъмурий-хуқуқий мажбурлов чорасининг яна қандай турлари мавжуд?*
- *Юқоридигилардан келиб чиқиб ўз хulosаларингизни билдиринг.*

## **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маъruzаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириштараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маъruzаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).
- 3) Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
- 4) Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
- 5) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
- 6) Эркин Ҳожиев, Тўлқин Ҳожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши тингловчилари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
- 7) Erkin Xoじyev, To'lqin Xoじyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 b.
- 8) Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiyl tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
- 9) F.Хакимов. “Маъмурий ҳуқуқ” фанидан ўқув-услубий мажмуя. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

## ТАҚДИМОТ



1. Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат.
2. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти.
3. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.
4. Конституциянинг қабул қилиниши.
5. Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этиши.
6. Конституциянинг тузилиши.
7. Конституцияга ўзгартериш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби



### Конституция лойиҳаларини тайёрлашнинг қуидаги усулларини кўрсатиш мумкин:

- ✓ *Лойиҳа маҳсус конституциявий комиссия томонидан тайёрланади.*
- ✓ Лойиҳалар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан тақдим этилади.
- ✓ Лойиҳа парламент ёки хукумат томонидан тайёрланади.
- ✓ Лойиҳани тайёрлашда собиқ мустамлака қилувчи мамлакатлар фаол иштирок этади.
- ✓ Лойиҳа Конституциявий таъсис мажлиси томонидан тайёрланади.

**Олий Кенгашнинг 1990 йил 24 мартағи биринчи  
сессиясида...**

**биринчиси**, Ўзбекистон Республикасида  
Президентлик институтининг жорий этилиши;

**иккинчиси**, “Мустақиллик Декларацияси”ни  
қабул қилиниши;

**учинчиси**, Конституцияни яратиш учун  
Конституциявий комиссияни ташкил этиш;

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари,  
эркинликлари ва бурчларининг конституциявий  
асоси ва кафолатлари.

### **Режа:**

- ✓ Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
- ✓ Инсон ҳуқуқларига доир ҳалқаро ҳукукий хужжатлар.
- ✓ Ҳалқаро ҳуқуқ ва шахс.
- ✓ Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши: позитив ва негатив.
- ✓ Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи.
- ✓ Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.
- ✓ Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги.
- ✓ Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши.
- ✓ Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари.
- ✓ Шахснинг конституциявий мақоми.

**Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар** деганда , инсоннинг табиий ҳолатини ифода этадиган ва олий ҳимояга эга бўлган инсон ва фуқаронинг энг муҳим ҳуқуки ва эркинликлари тушунилади.

- ✓ **Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар** - конституциявий ҳукукий муносабатларда асосий элемент ҳисобланиб, ушбу ҳукукий муносабатлар инсон (фуқаро) билан давлат ўртасида юзага келади.

**Инсон ҳуқуқи** – бу табиий равища вужудга келадиган, инсон туғилганидан кейин шахс сифатида унга тегишли бўган ажralмас ҳуқуқ хисобланади. Одамлар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилади. Хар бир давлатнинг асосий мақсади инсоннинг табиий ва ажralмас ҳуқуқини таъминлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуклар давлат хокимияти томонидан берилмайди ва айни вақтда давлат ўз хужжатлари билан уларни бекор қила олмайди. Демак инсон ҳуқуқи асосий ҳуқуқ бўлиб, у туғилганда муайян давлатнинг фуқаросими ёки йўқми, бундан қатъий назар, барчага хос ҳуқуқ сифатида фойдаланилади.

### **Халқаро ҳуқуқ ва шахснинг ҳуқуқий мақоми**

Хозирги кунда шахснинг, маълум холларда фуқаронинг (масалан, сайлов ҳуқуқи масалалари бўйича) ҳуқуқий мақоми масаласи асосан халқаро ҳуқуқ, унинг эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари билан белгиланади. Давлат томонидан ратификация қилинган халқаро хужжатлар бевосита қўлланиши ва мамлакат судлари томонидан унинг ички ҳуқуқи сифатида таъминланиши мумкин.

Фуқаролик жамияти ва шахс  
ўртасидаги ўзаро  
муносабатларнинг  
конституциявий асоси.



## **РЕЖА**

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси
2. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.
3. Оммавий ҳаракатлар, уларнинг вазифаси.
4. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар.
5. Давлат ва жамоат бирлашмалари муносабати.
6. Касаба уюшмаларининг вазифаси.
7. Диний ташкилотлар ва давлат муносабати.

## **Жамоат бирлашмаси тушунчаси**


- Ўз хукуқлари, эркинликларини хамда сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва хаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хошиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир

## Жамоат фонди тушунчаси

- Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади

## Касаба уюшмалари

- Касаба уюшмаси қўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳукуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил  
этилишининг конститутивий-хуқуқий тартиботи.



**REJA :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
конституциявий хуқуқий мақоми
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
3. Вазирлар Махкамаси ижроия ҳокимиятининг  
олий органи
4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

Президентлик институтининг шаклланиши ўз табиатига кўра бир-бирини таъозо қилувчи ушбу омилларни юзага келтиради:

- 1. Ушбу институт мустақилликни таъминлашга, давлат суверенитетини саклашга қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштириб, бутун халқни мустақил ғоя атрофида бирлаштиришга хизмат қилди.
- 2. У жамиятда тизимни бузувчи омиллар: оммавий тартибсизликлар, уюшган жинояччилик, экстремистик ҳаркатларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик учун тегишли ташкилий, хукукий чора-тадбирлар кўришини таъминлади.
- 3. Президентлик институти босқичма-босқич равишда шаклланган ижтимоий муносабатлар тизимидан янги ижтимоий муносабатларга ўтиш учун шароит яратиб берди.
- 4. Миллӣ давлатчиликни шакллантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган концепциясининг хукукий зосспарини ишлаб чиқишига ва уни амалга оширишга замин бўлди.

3

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

### ОЛИЙ МАЖЛИС

ОЛИЙ ДАВЛАТ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ БЎЛИБ,  
ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТНИ  
АМАЛГА ОШИРАДИ

У иккни шалтагадан иборат

Қонунчилик палатаси

Сенат

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисийигилишида  
қўйидаги қасамёдни қабул ёилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига  
киришган ҳисобланади



"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юқлатилган вазифаларни вижданан бажаришга тантанали қасамёд қиласман".

### СЕНАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

1

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул килиш, унга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш

2

Ўзбекистон Республикасининг конституциятый қонунлари ҳамда қонунларини қабул килиш, уларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш

3

Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳакида карор қабул килиш

4

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул килиш

5

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг хокимиёт тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, икро этувчи ва суд хокимиёти органларининг ваколатларини белгилаш

6

Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилтмаларини қабул килиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳакидалини тасдиқлаш

7

бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш

8

соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий килиш

## СЕНАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ БИРГАЛИҚДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

9

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонунйўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгариш

10

туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгариш

11

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан  
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қипиш

12

давлат мукофотлари ва унвонларини таъсисетиш

13

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

14

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш

15

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

XX bob



O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri nomzodi O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Qonunchilik palatasiga saylovlarda eng ko'p deputatlari o'mini oлgan siyosiy partiya yoki teng miqdorda o'rин oлgan siyosiy partiyalar tomonidan taqdim etiladi.



Vazirlar Mahkamasining a'zolari O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri taqdimiga binoan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan tasdiqlanadi.



Vazirlar Mahkamasi iqtisodiyotning, ijtimoiy va ma'nnaviy sohaning samarali faoliyatiga rahbarlikni, O'zbekiston Respublikasi qonunlari, Oliy majlis qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlari ijrosini ta'minlaydi.

### Ijro etuvchi hokimiyat –

davlat hokimiyati tizimining alohida mustaqil bog'ini bo'lib, u konstitutsiya va qonunlar, davlat boshlig'ining farmoni, famoyishi va qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida mamlakatni siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ma'naviy rivojlantirish masalalarini hal qilishda aniq yo'naltirilgan, tashkilotchi famoyish beruvchi va tezkor ijrochilik faoliyatini omilkorlik bilan amalga oshiradigan hamda fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlash, aholining turmush farovonligini oshirish uchun qulay sharoitlar yaratish maqsadida o'ziga berilgan umumiyligini maxsus vakolatlar doirasida mamlakatning butun hududida yoki muayyan ma'muriy-hududiylarida bajarilishi umummajburiy hisoblangan huquqiy hujjatlar qabul qiladigan davlat boshqaruvi organlarining yagona tizimi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida hukumat "**Vazirlar Mahkamasi**" deya nomlangan bo'lib, 1993-yil, 6-mayda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi to'g'risida"gi qonunga binoan , u O'zbekiston Respublikasida iqtisodiyotning, ijtimoiy va ma'naviy sohaning samarali faoliyatiga rahbarlikni, O'zbekiston Respublikasi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va famoyishlari ijrosini ta'minlovchi ijro etuvchi hokimiyat organidir.



**Vazirlik** (lotincha ministro – xizmat qilaman, boshqaraman degan ma'nolarni anglatadi) – mamlakatning barcha hududida bevosita yoki o'zi tashkil etgan organlari orqali o'ziga topshirilgan tarmoqqa rahbarlik qiluvchi ijro etuvchi hokimiyat organi hisoblanadi.



**Vazirlar** – vazirlikka yuklatilgan vazifa va majburiyatlarni tegishli vazirlik bajaradi hamda uning faoliyatiga shaxsan vazirlar javob beradi. Vazir vazirlik kompetensiyasi doirasida buyruqlar, yo'riqnomalar chiqaradi, shuningdek, ko'rsatmalar beradi.

## **МАВЗУ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТУШУНЧАСИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

---

### **РЕЖА:**

1. Ижтимоий бошқарув моҳияти ва тушунчаси.
2. Давлат бошқарувининг ижтимоий бошқарувда тутган ўрни.
3. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.
4. Давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати.
5. Давлат бошқарувининг асосий принциплари

## Адабиётлар:

1. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналишталаబапари учун дарслик/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.
2. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўкув қўлланма.—Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.
3. Ҳакимов Г. Маъмурий ҳуқуқ (максус қисм). –Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
4. Ҳудойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўкув қўлланма.– Т.:ТДЮИ, 2001.-98 б.
5. Хожиев Э., Самижонов Ф. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи. Услубий кўрсатма.—Т.: ТДЮИ, 2003.—36 б.
6. Erkin Xoziyev, To'qin Xoziyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2008. – 608 b.
7. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiyl tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
8. Хван Л.Б. Административное право Республики Узбекистан. Курс лекций. – Т.: – 2010.
9. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. - Т.: konsauditinform – Nashr – 2012.

**Ижтимоий бошқарув** - бошқарувнинг асосий турларидан бири бўлиб, маълум бир инсонларнинг бошқаларига нисбатан ижтимоий аҳамиятли жараёнларни тартиба солиш ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ахборот ёрдамида таъсир этишидир.

## **Ю.Н.Стариловнинг фикрича:**

бошқарув – бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига нисбатан мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этиш жараёни ҳисобланади. Бунда бошқарув обьекти сифатида турли хилдаги ҳодисалар ва жараёнлар, жумладан, инсон, жамоа, ижтимоий жамоатчилик, механизмлар, технологик жараёнлар ва бошқалар намоён бўлиши мумкин. Бошқарув субъектининг обьектга нисбатан таъсири - бошқарув тизимига бевосита боғлиқдир.

**Давлат бошқаруви** - давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этишидир.

## Ю.М.Козловнинг фикрича:

бошқарув нимага ёки кимгадир раҳбарлик қилишдир. Лекин бу бошқарувнинг тўлиқ мазмунини очиб бера олмайди. Биринчи навбатда “раҳбарлик қилиш” тушунчасини ўзининг мазмунини, унинг функционал аҳамиятини аниқлаб ошиш позим бўлади.

## Г.В.Атаманчукнинг фикрича:

давлат бошқаруви объектив ва субъектив омилларга эгадир. Давлат бошқаруви - субъективдир, чунки у инсонлар (давлат хизматчилари, мансабдор шахслар) онги ва ҳаракатининг маҳсулидир. Бошқарувнинг мазмуни учун бошқарув субъектлари жавобгар бўлади. Объектив нуқтаи назардан эса, давлат бошқаруви қўйидаги кўринишга эга: *табиат – мақсад – функция – тузилиш – жараён* - принциплар.

**Ижтимоий бошқарув** бошқарувнинг асосий турларидан бири бўлиб, маълум бир инсонларнинг бошқаларига нисбатан ижтимоий аҳамиятли жараёнларни тартибга солиш ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ахборот ёрдамида таъсир этишидир.

5) давлат бошқаруви – давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизимини ташкил этадиган ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан ҳаракат қиласидиган ушбу органлар давлат-ҳокимиият хусусиятига эга бўлган ваколатларга эга бўладилар ва компетенция доирасида фаолият юритади-лар;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа  
қонунларини таҳлил қиласиган бўлсак, давлат  
бошқарувининг қуийидаги асосий принципларини  
кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги принципи.
- қонунийликнинг ягоналиги принципи.
- давлат бошқарувининг халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши принципи.
- Даевлат бошқарувидаги ҳалқнинг иштироки принципи.
- давлат бошқарувининг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги принципи.

## **Mavzu: Ma'muriy huquq predmeti, usuli, tizimi va manbalari**

## Reja:

- 1. Ma'muriy huquq tushunchasi.**
- 2. Ma'muriy huquq predmeti.**
- 3. Ma'muriy huquqning tartibga solish uslubi.**
- 4. Ma'muriy huquqning O'zbekiston Respublikasi huquq tizimida tutgan o'rni.**
- 5. Ma'muriy huquq tizimi.**
- 6. Ma'muriy huquq manbalari.**

## Адабиётлар:


1. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурӣ ҳуқӯқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талаблари учун дарслик / Масъул мұхаррір: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.
2. Назаров К. Маъмурӣ ҳуқӯқ. Ўқув қўлланма. – Т.: СамдУ, 2004. - 214 б.
3. Ҳакимов Г. Маъмурӣ ҳуқӯқ (маҳсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
4. Ҳудойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурӣ ҳуқӯқ. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2001.-98 б.
5. Хожиев Э., Самиғжонов Ф. Ўзбекистон Республикаси маъмурӣ ҳуқӯқи. Услубий кўрсатма. – Т.: ТДЮИ, 2003.—36 б.
6. Erkin Xojiyev, To'qin Xojiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2008. – 608 b.
7. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahrirri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
8. Хван Л.Б. Административное право Республики Узбекистан. Курс лекций. – Т.: – 2010.
9. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. - Т.: konsauditinform – Nashr – 2012.

## MA'MURIY HUQUQ

- **MA'MURIY HUQUQ** – huquq tiziminining mustaqil tarmog`i, davlat boshqaruvini tashkil etish va amalga oshirish jarayonida vujudga keladigan ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi huquqiy normalar yig`indisi.

### Ma'muriy huquq predmeti

- 1) tashkiliy jihatdan biri ikkinchisiga bo`ysinadigan davlat boshqaruvi organlari o`rtasidagi munosabatlar (masalan, vazirlik va davlat qo`mitalarining ularga bo`ysingan boshqarma va bo`limlari o`rtasida vujudga keladigan ijtimoiy munosabatlar);
- 2) bir-biriga bo`ysinmaydigan davlat boshqaruvi organlari o`rtasidagi munosabatlar (masalan, ikki vazirlik, vazirlik va davlat qo`mitasi o`rtasida vujudga keladigan ijtimoiy munosabatlar);
- 3) davlat boshqaruvi organlari va ularga bo`ysinadigan korxona, muassasa va tashkilotlar o`rtasidagi munosabatlar;
- 4) davlat boshqaruvi organlari va jamoat birlashmalari o`rtasidagi munosabatlar;
- 5) davlat boshqaruvi organlari va fuqarolar o`rtasidagi munosabatlar.



Ma'muriy huquq fani tizimining maxsus qismi  
quyidagi institutlardan iborat:

- *iqtisodiyot sohalarini boshqarish* (sanoat, qishloq va suv xo`jaligi, qurilish, transport, aloqa, yo`l xo`jaligi, xizmat ko`rsatish sohalari);
- *ijtimoiy-madaniy sohalarni boshqarish* (ta'lim, fan, madaniyat, jismoniy tarbiya va sport, sog'liqni saqlash, mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish);
- *ma'muriy-siyosiy faoliyat sohasini boshqarish* (mudofaa, davlat xavfsizligi, ichki ishlari, tashqi ishlari, adliya);
- *tarmoqlararo boshqa sohalarni boshqarish* (tabiatni muhofaza qilish, moliya va kredit tizimi, tashqi iqtisodiy faoliyat, davlat statistikasi, davlat tasarrufidan chiqarish va xususiy lashtirish, standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish va h.k.lar).

## *Maxsus qism*

- *Maxsus qism* – bunda jamiyatning alohida sohalarida amalga oshiriladigan davlat boshqaruvining xususiyatlarini belgilab beruvchi ma'muriy-huquqiy normalar (ma'muriy-huquqiy institutlar, bo`limlar) ko`rsatib o`tilgan

**Мавзу:** Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар.

## **Режа**

1. Маъмурий-хуқуқий нормалар мазмуни ва таркиби.
2. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг таснифи.
3. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракати.
4. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг турлари.
5. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши.

## **Адабиётлар:**

1. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талаблари учун дарслик / Масъул мұҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.
2. Назаров К. Маъмурӣ ҳуқӯқ. Ўқув қўлланма. – Т.: Самдӯ, 2004. - 214 б.
3. Ҳакимов Г. Маъмурӣ ҳуқӯқ (маҳсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
4. Ҳудойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурӣ ҳуқӯқ. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2001.-98 б.
5. Хожиев Э., Самиғжонов Ф. Ўзбекистон Республикаси маъмурӣ ҳуқуқи. Услубий кўрсатма. – Т.: ТДЮИ, 2003.—36 б.
6. Erkin Xojiyev, To'qin Xojiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2008. – 608 b.
7. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahrirri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
8. Хван Л.Б. Административное право Республики Узбекистан. Курс лекций. – Т.: – 2010.
9. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. - Т.: konsauditinform – Nashr – 2012.

**Маъмурый-ҳуқуқий нормалар** – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида үшбу муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, ҳуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларидир.

Маъмурый-ҳуқуқий нормалар уч қисмга бўлинган:

*1) маъмурый-ҳуқуқий нормаларнинг гипотезаси.*

Гипотеза – ҳуқуқий норманинг ҳаракатга келишини ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга оширилишини, шунингдек, ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни белгилаб беради.

*а) мутлоқ аниқ гипотеза* – бунда ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ҳаракатга келиши аниқ кўрсатиб ўтилади.

*б) нисбий аниқ гипотеза* – бунда норманинг ҳаракатга келиши аниқ кўрсатиб ўтилмай, норманинг ҳаракати бошқа норманинг амалга оширилишидан вужудга келади.

**2) Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг диспозицияси.** Диспозиция – ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, хатти-ҳаракатлари доираси кўрсатиб ўтилади.

### **3) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг санкцияси.**

санкция – бу ҳуқуқий норма диспозицияси қисмида кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатга нисбатан таъсир чораси бўлиб, ҳам салбий (негатив), ҳам ижобий (позитив) хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

*Моддий маъмурий-хуқуқий нормалар* - давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва мазмунини, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини белгилайди.

*Процессуал маъмурий-хуқуқий нормалар* - тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун моддий маъмурий-хуқуқий нормаларда назарда тутилган, давлат бошқаруви соҳасидаги юридик хуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**Хуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиши – уларда назарда тутилган юридик оқибатларнинг вужудга чиқишидир. Турлари:**

- 1) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиш мавзуси.
- 2) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши (амалда бўлиши).
- 3) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг маконда (худудда) ҳаракатланиши.
- 4) маъмурий-хуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракатланиши.

Маъмурий-хукуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра, муносабат *субъекти, объекти ва мазмунига* эга.

Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг *субъекти* бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (**давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар**) ёки бошқача маъмурий-хукуқий мақомга эга бўлган шахслар (**фуқаролар, жамоат бирлашмалари**) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлганида вужудга келади.

*Юридик фактлар* - маъмурий-ҳуқуқий нормалар норма талабидан келиб чиқсан ҳолда томонлар ўртасида маълум бир ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳолатлардир.

### **Мавзу: Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари ва усуллари**

Режа:

1. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Давлат бошқаруви актлари.
3. Юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар.
4. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий усуллари мазмуни ва турлари.
5. Ишонтириш – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида.  
Давлат мажбурови – маъмурий-ҳуқуқий усул сифатида.

## Адабиётлар

1. "Маъллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда
2. "Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 14.12.2000 й. 160-II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 8-модда // Ўзбекистон Республикаси 12.12.2003 й. 568-II-сон, Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й., 1-2-сон, 18-модда
3. "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2005 й. ПФ-3618 -сон Фармони)
4. Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш хамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. (ЎзРВМ 25.07.2000 й. 283-сон Караби)

Бошқарув шакли давлат органи, унинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахслар фаолиятининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бошқарувнинг шакли – аниқ субъектлар томонидан амалга ошириладиган маълум бир ҳаракатларда ифодаланиб, бошқарув фаолиятининг, бошқарув таъсирининг мазмунини ёритиб беради.

Бошқарув фаолиятининг (бошқарув ҳаракатларининг) асосий **икки шаклини** кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) бошқарув                    фаолиятининг                    (бошқарув ҳаракатларининг) ҳуқуқий шакллари
- 2) бошқарув                    фаолиятининг                    (бошқарув ҳаракатларининг) ноҳуқуқий шакллари

**Бошқарув акти** – бу бошқарув қарорларининг ҳуқуқий кўриниши бўлиб, маъмурий ҳуқуқнинг тегишли субъекти (ижро ҳокимияти органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда эркни ифодалаш актидир;

**Бошқарув ҳуқуқий актларига қўйидаги  
талаблар ўрнатилади:**

- 1) бошқарувнинг ҳуқуқий актлари - Конституция ва қонунларга, Президент фармонларига зид келмаслиги;
- 2) ижро ҳокимияти субъектлари ўртасида фаолият йўналиши ва ваколатларнинг тақсимланганигини инобатга олиш;
- 3) юкори ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий актларини инобатга олиш;
- 4) компетенция доирасида тегишли давлат органи (мансадор шахс) томонидан қабул қилиниши;
- 5) ҳуқуқий асослантирилган бўлиши, яъни унда ҳуқуқий акти қабул қилишнинг мақсади, асослари ва улардан келиб чиқадиган юридик оқибатлар аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиши;
- 6) давлат бошқаруви тизимидағи қуйи органлар компетенциясини ва оператив мутакиллигини чеклаши ёки бузиши мумкин эмас;
- 7) давлат бошқаруви соҳасида фуқаролар ва нодавлат тузилмаларининг қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаши ёки бузиши мумкин эмас;
- 8) бошқарувнинг ҳуқуқий актларига ўрнатилган қоидалар (жараёнлар)га риоя қилган ҳолда қабул қилиниши

**Маъмурый-ҳуқуқий шартнома** – бу маъмурый-процессуал жараённинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга. Амалдаги қонунчиликда ўнинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

- **Бошқарув усули** – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар ҳисобланади.

**Маъмурӣ усуллар** - бошқарув субъектининг объектга (фуқароларга, юридик шахслар, давлат хизматчилариға) бир томонлама тартибда давлат-ҳокимият таъсирини кўрсатиши орқали ифодаланади.

**Маъмурӣ усуллар** - бошқарув субъектининг объектга (фуқароларга, юридик шахслар, давлат хизматчилариға) бир томонлама тартибда давлат-ҳокимият таъсирини кўрсатиши орқали ифодаланади.

### **Ишонтириш – бошқарув үсули сифатида.**

Ишонтириш – давлат бошқарувини амалга оширишнинг асосий үсулларидан бири бўлиб, шахсларнинг намунали иродасини шакллантириш ёки қайта шакллантириш мақсадида турли хилдаги тушунтириш, тарбиялаш, ташкил этиш ишларини олиб боришда намоён бўлади.

**Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов** – бу ҳуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуқقا хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган мажбурлов чораларининг қўлланилишидир.